

# ЯХШИНИНГ ЎЛЧОВИ

Биз нарсаларнинг яхши ва ёмонлигини, одатда, уларда истаган манфаатимизнинг кўп ё камлигига қараб белгилаймиз. Кўп сут берадиган сигирни яхши сигир, ҳар куни тухум қўядиган товукни яхши товук деймиз. Хуллас, ҳар бир мавжудотнинг, жумладан, инсоннинг ҳам, яхшилигини кўрсатувчи меъёр бор.

Инсоннинг яхшилигини кўрсатувчи меъёр ҳаёдир. Таъна ё койишга сабаб бўладиган нарсалардан сақланиш ва уларни қилмаслик ҳаёдир (*“Таърифот”, Сайид Шариф*).

Уламолар ҳаёни учга бўлишган:

- Аллоҳдан (азза ва жалла) ҳаё қилиш;
- инсонлардан ҳаё қилиш;
- ўзидан ҳаё қилиш.

Аллоҳдан (таборака ва таоло) ҳаё қилиш унинг амрларига бўйсунуш ва қайтариқларидан сақланиш билан бўлади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу) ривоят қиладилар:

“Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этдилар: “Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилинглр!” Саҳобалардан бирлари: “Ё Расулulloҳ, нима қилсак Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилган бўламиз?” деб сўрашди. Расулulloҳ: “Ким боши

ва ундаги аъзоларни, қорни ва ундагиларни ас-раса, дунё безакларига эътибор қилмаса, ўлимни ва чиришни ёдда тутса, Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилган бўлади”, дедилар.

Демак, Аллоҳдан (азза ва жалла) ҳаё қилиш қулоқни ёлғон ва ғийбатларни эшитишдан, кўзни манъ этилган нарсаларни ва номахрамларни кўришдан, тилни ёлғон сўзлаш, бўҳтон ва ғийбат қилишдан, қоринни ҳаром таом ва ичимликлардан, қалбни ширк, ҳасад, кибр ва риё каби иллатлардан асрашни тақозо қилади. Шунинг учун, биз мўминларга: “Намозда қалбингни, кўчада кўзингни, инсонлар орасида тилингни, дастурхон олдида ҳалқумингни асра”, деб тавсия қилинган.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаё ҳақида яна шундай марҳамат қилганлар: “Ҳаё имоннинг низомидир. Ҳар қандай нарсанинг низоми бузилса, унинг ичидагилар сочилиб-тарқалиб кетади”.

Аллоҳдан (азза ва жалла) ҳаё қилиш мўмин имонининг комиллиги белгисидир.

Инсонлардан ҳаё қилиш эса уларга озор етказмаслик, бузуқлик ва ёмонликларни намоён этмаслик билан бўлади. Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат этадилар: “Инсонлардан эҳтиёт бўлиш (ўзини тортиш) Аллоҳдан тақво қилиш жумласидандир”.

Инсонлардан ҳаё қилиш мардлар ишидир.

Шахснинг ўзидан ҳаё қилиши эса иффат ва софлик билан, ёлғизликда ҳам ўзини ноҳўя ишлардан сақлаш билан бўлади. Очиқ қилолмаган ишини яширин қилган кишининг ўзи олдида қадрли йўқдир”, дейди ҳукамолардан бирлари.

Қалби холис, нияти пок инсонларгина ўзидан ҳаё қилади. Инсонда ҳаёнинг бу уч тури мукамал бўлганида яхшилик сабаблари унда комил бўлади ва ёмонлик иллатлари йўқолади. Бу инсон фазилатда машҳур ва яхшиликда дoston бўлади.

Кимда ҳаёнинг уч туридан бири йўқолса, шунга яраша яхшилиги ҳам йўқолади.

Шоир айтади:

*“Мендаги тўрт хислат: ҳаё,  
Исло, тақво, пок ният  
Тўсади жаҳолат, бузуқлик  
ва сўкиб уришишдан”*

Уста ОЛИМ



## МУНДАРИЖА

<i>Амри маъруф</i> Уста ОЛИМ Яхшининг ўлчови .....	1
<i>Илм масканларида</i> Вафо ФАЙЗУЛЛО Ўн учинчи баҳор саодати .....	6
<i>Ибрат</i> Аҳмад ТУРСУН Парҳезкорлик .....	9
<i>Мактубларда манзаралар</i> КАТЕРИНА Жуда кеч сабоқ олдим .....	12
ДАВЛАТМУРОД Яхшилик қиламан деб .....	13
<i>Масала</i> Муҳаммад Шариф ЖУМАН Сувларга оид ҳукмлар .....	14
<i>Ибратли ҳикоялар</i> Эркин МАЛИК Таваккалга яраша барака .....	15
<i>Тадқиқот</i> Доктор Сайфиддин ЭРШОҲИН Собиқ Иттифокда Қуръон тадқиқотлари .....	18
<i>Ҳолат</i> Беҳзод ФАЗЛИДДИН Йиғлаш ҳам саодат экан .....	21
<i>Шеърият</i> Исмоил МАҲМУД Маъни ичра дур топурсан .....	22
Ҳикматулла САМАДОВ Ўзинг паноҳ бўлгин .....	23
Шукрулло УМАРОВ Ўзбек байроғи .....	23
Абдувоҳид ЎРОЗОВ Кўриниш .....	23
<i>Амри маъруф</i> Ҳафиза ИКРОМОВА Ислол илмга чақиради .....	24
<i>Наҳйи мункар</i> Фозил ЗОҲИД Кўз ҳақида сўз .....	29
<i>Қомус</i> Ғийбат .....	30

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Журналимиз саҳифаларида  
оят ва ҳадислар берилаётгани  
учун уни ножоиз жойларга  
ташламаслигингизни сўраймиз

*Ақида*  
Муҳаммад ибн АБДУРАҲМОН  
АЛ-ҲУМАЙИИС

4

## ЁШЛАРГА АҚОИД ДАРСЛАРИ

Бир банда ширк тур-ларининг ҳаммасидан қутулиб, бунинг акси ва вожиб бўлган тавҳиднинг том рукнларига риоя этиб, Уни рубубийатида, ишларида, исмларида ва сифатларида Бир демагунича тавҳид тугал бўлмайди.



*Наҳйи мункар*  
Авазхон ҲАЙДАР ўғли

10

## ГИЁҲВАНДЛИК ОФАТДИР

Аллома ибн Ҳажар ал-Маккий “Катта фатво”сида ёзишича: “Гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишда бир қанча диний ва дунёвий зарарлар мавжуд: инсон тафаккурини тўмтоқлаштиради, баданнинг ҳар хил касалликларга чидамлилигини йўқотади, хотирани тунд қилиб қўяди, бошоғриққа мубтало қилади, юрак касалига учратади, ақл-хушнинг мувозанатини бузади, сил ва истисқо касалини келтириб чиқаради, шарму ҳаёни, мурувват ва инсоний муносабатни кетказди ва ҳоказо”.

Маърифат ўчоғи  
Аҳмад МУҲАММАД

16

## “АЗҲАР” – “ГУЛЛАР” ДЕГАНИ



Ал-Азҳарда йилига етти-тўққиз минг хорижлик талаба билим олади. 1975-1992 йилларда уларнинг умумий сони 39.700 дан ошиб кетган. Улар орасида Ўзбекистондан борган кўпгина йигит-қизлар ҳам бор эди.

Адабиёт  
Ҳасан МАНЗУР

26

## СЎФИ

(Ҳикоя)

Тепаликка чиққан сарим Сўфининг капасидан Қуръон тиловати яхшироқ эшитиларди. Ерга чўкканча, Қуръоннинг майин, вужуд-вужудни жимирлатиб юборадиган оҳангларига қулоқ тутдим. Сўфи ниҳоятда чиройли овоз билан ўқир, баъзан мен бирон мусулмон мамлакат радиосидан Қуръонни тинглаганимда шу ҳолга тушардим.



Саҳобалар ҳаётидан лавҳалар

31

## ҲАЗРАТИ МОРИЙА АЛ-ҚИБТИЙ

Ҳижрий 8 йилнинг илк ойларида Морийанинг ҳомиладорлиги маълум бўлди. Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, энди уни тез-тез зиёрат қилиб турадиган бўлдилар. Ой-куни тўлиб, Морийа ўғил кўрди. Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, жуда хурсанд бўлдилар. Чақалоққа эса Иброҳим деб исм қўйдилар. Суюнчисига бир қул-



ни озод этдилар. Чақалоқ эмизиш учун Мунзир ибн Зайд ибн Нажорнинг қизи Умму Бурдага берилди.

### «HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,  
илмий-адабий нашр

#### Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

#### Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

#### Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Анвар ТУРСУН  
Дурбек РАҲИМЖОНОВ  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
Юсуфжон ИСҲОҚ  
Эркин МАЛИК  
Абдул Жалил ХЎЖАМ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН  
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

#### Муқовани

Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли,  
Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли тайёрлашди.  
Тартибловчи  
Қудратуллоҳ ЖУМА ўғли  
Матнни  
Юлдуз КОМИЛ қизи  
терди.

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,  
Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46-уй;  
Тел: 49-18-26, 42-08-07.  
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида  
рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома рақами 170

Босишга 2004 йил 6 апрелда рухсат берилди.  
Босмаҳонага 2004 йил 11 апрелда топширилди.  
Қоғоз бичими 84x108<sup>1/16</sup>. Адади 8200 нусха. 110-  
сон буюртма. «КО‘НИ NUR» МЧЖда босилди.  
Манзили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.  
Интернет почтаи: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.  
Макет асл нусхаси Pentium-IV  
компютерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз қилинмайди.  
Мақолалар хат орқали юборилганида исми шарифлар тўлиқ  
ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.

Доктор Муҳаммад ибн АБДУРАҲМОН АЛ-ХУМАЙЙИС

# ЁШЛАРГА АҚОИД ДАРСЛАРИ

Таҳовий китобига шарҳлар

## Сўзбоши

Ақоид Аллоҳ инсонга тақдир этган шарафга эришиш билан бу шарафга эришмаслик орасидаги бир тугун, ҳиссос бир нақтадир. Қулликнинг моҳияти, ҳаётнинг ҳақиқий маъноси бўлган имоннинг борлиги ёки йўқлиги кишининг абадий ҳаётини таъминлайдиган ягона унсурдир. Ҳозирги пайтда кўп одамлар йўқотган нозик нуқта шу ақидадир. Қилинган яхшиликларга, ёрдамга ва хайрли ишларга маъно берадиган имон умидсизлик ва тушкунлик олдида ягона тўсиқдир.

Шундай экан, ҳаётини аҳамияти беқиёс бўлган

бир мавзуда ҳақиқатларни ўрганиш ҳам уни илк ўргатган манбаларга мурожаат этиш билан амалга ошади. Бу манба порлоқ нури билан уммат ичига тушган қоронғуликларни ойдинлатмоқда ва шу тариқа рисолатнинг давомини таъминламоқда.

Ушбу асар умматнинг боши бўлмиш солиҳ салафларнинг эътиқодини аслича кўрсатади, бидъат ва хурофотлардан узоқ бўлган Аҳли сунна вал жамоа ақидасини баён этади.

Зеро, дарёнинг бошига яқинлашган сайин янада тоза оқишини унутмаслигимиз керак.

## Биринчи дарс

Имом Абу Жаъфар ат-Таҳовий ал-Ҳанафий ал-Мисрий (раҳматуллоҳи алайҳ) дейди:

Бу (асар) уммат фақиҳларидан Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит ал-Куфий, Ёқуб ибн Иброҳим ал-Ансорий ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибнул-Ҳасан аш-Шайбонийнинг (Аллоҳ улардан рози бўлсин) аҳли сунна вал-жамоа ақидаси, диннинг асллари ва Аллоҳга имон борасидаги қарашларининг тушунтиришидир.

1. Аллоҳнинг ягоналиги ҳақида Унинг тавфиқи билан айтамыз: **Аллоҳ бирдир ва Унинг шериги йўқдир.**

### Шарҳ

Шерик бир нарсада ҳиссаси бўлган кимсадир.

Аллоҳ таоло ҳар нарсада Бирдир: Зотида Бирдир, ишларида Бирдир, исм ва сифатларида Бирдир. Узига ибодат (қуллик) қилишига ягона ҳақли Зот бўлишда Бирдир. Бу ишларнинг ҳеч бирида шериги йўқ ва ҳоказо. Яратишда ва амрида ҳам шериги йўқ.

“Огоҳ бўлингизки, яратиш ҳам, буюриш ҳам ёлғиз Униқидир” (Аъроф, 34, мазмуни).

“Сизларга осмон заминдан ризқи рўз берадиган Аллоҳдан ўзга биронга яратувчи борми?!” (Фотир, 3, мазмуни).

Аллоҳнинг зарар, ўлдириш, тирилтириш ва бошқа ҳар турли тасарруф ва тадбирида ҳеч бир шериги йўқ. Ҳоказо, Унинг исмларида ҳам, сифатларида ҳам шериги йўқ.

Бир қул бу шир турларининг ҳаммасидан қутулиб, бунинг акси ва вожиб бўлган тавҳиднинг том рукнларига риоя этиб, Уни рубубийятида, ишларида, исмларида ва сифатларида Бир демагунича тавҳид тугал бўлмайди. Қул ҳеч бир нарсани Аллоҳнинггина ҳаққи бўлган бир сифат билан сифатлай олмайди. Уни улүҳийятида Бир деб билади ва ибодатларнинг қайси турини бўлсин, Ундан бошқасига ибодат қила олмайди.

“Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз” (Фотиҳа, 5, мазмуни).

“Мен жин ва инсни фақат ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим” (Ваз-Зориёт, 56, мазмуни).

2. Унинг ўхшаши йўқ.

3. Ҳеч бир нарса Уни ожиз қолдиролмайди. Яъни, ҳеч нарса кучда Уни ожиз қолдиролмайди.

Илоҳ, маъбуд ўзига ибодат қилинувчидир. Фақат илоҳгина маъбуддир. Ҳар кимнинг илоҳи ўзи ибодат этаётганидир.

شَهِدَ اللَّهُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ  
وَأَلَمَلَيْكَةُ وَأُولُوا الْعِلْمِ قَائِمًا بِالْقِسْطِ  
لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ



Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари — адолат билан ҳукм қилгувчи ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Унинг ўзи борлигига гувоҳлик бердилар. Ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Унинг ўзи бор. У қудратли, ҳикмат эгасидир (Ол-и Имрон, 18).

#### 4. Ундан бошқа илоҳ йўқ.

##### Шарҳ

Бу нарса тавҳиднинг тамал қоидаларидандир. **“Бирон нарса У Зотга ўхшаш эмасдир. У Эшитгучи ва Кўриб тургучидир”** (Шўро, 11, мазмуни), дея эътиқод қилиниши керак. У яратганларидан ҳеч бирига ўхшамайди. Яратганлари, ҳам Унга на зотида, на ишларида, на исмларида, на сифатларида ва на ҳуқуқида ўхшайди. Ҳеч нарса Унга куч ишлатиб ҳам Уни ожиз қолдиролмайди. У истаган ҳар нарсани қилишга қодирдир.

**“Бирон нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида Унинг иши фақатгина “Бўл”, демоқликдир. Бас, у (нарс) бўлур”** (Ёсин, 82, мазмуни).

Ҳеч нарса Унга оғир келмайди ва ҳеч нарса Уни кучда енголмайди: **“На осмонлардаги ва на Ердаги бирон нарса Аллоҳдан қочиб қутулгучи эмасдир. Зотан, У билим ва қудрат Эгаси бўлган Зотдир”** (Фотир, 44, мазмуни).

Бу Унинг қудратининг тамоми ва қудратининг камолидандир. Нимани истаган бўлса, у бўлгандир. Нимани истамаган бўлса, у бўлмагандир. Мана шу унинг рубубийатининг камолидандир.

**“Ундан бошқа илоҳ йўқ”**. Тавҳид калимаси мана шудир. Ҳамма расулларнинг чақириви ҳам шу: **“Биз ҳар бир умматга: “Аллоҳга ибодат қилинлар ва шайтондан йироқ бўлинглар”, (деган ваҳий билан) бир пайғамбар юборганмиз”** (Наҳл, 36, мазмуни).

Буни “ҳақиқатда Аллоҳдан бошқа ибодат этишга ҳақли ҳеч нарса йўқ” деб тушуниш керак. Чунки яратгучи ва ризқ берувчи Молик ва Мудаббир Удир. Шу тариқа У якка ўзи, ҳеч бир

шериксиз том куллика мустаҳақдир. Ундан бошқага ибодат (куллик) қилиш фақат ботил йўл билан ибодат қилиш демақдир.

**“Бунга сабаб Аллоҳнинг ўзигина Ҳақ экани ва Уни кўйиб (мушриклар) дуо-илтижо қилаётган (бутлар) эса ботилнинг ўзи экани...”** (Ҳаж, 62, мазмуни).

Шундай қилиб, улардан ҳеч кимса буюриш ва тасарруф этиш ҳаққига эга эмас, тадбир ҳам Унга хосдир.

Бу сўзда Аллоҳдан бошқасига ибодатни рад этиш ва ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишнинг исботи бор. Бу сўздан англашилишича, Аллоҳдан бошқага ибодат этиш куфрдир, чунки ибодат фақат Аллоҳга бўлади. Бу тавҳиди улўҳийатдир.

##### Ҳулоса

Аллоҳ таоло зотида, илм ва сифатларида Бирдир. Убудийатга ҳақли ёлғиз Удир. Бу ишларнинг ҳеч бирида яратганларининг ҳеч бирига ўхшамайди. У ҳар нарсага кучи етгучидир. Ҳеч нарса Уни ожиз қолдиролмайди ва ҳеч нарса Унга оғир келмайди. Ҳоказо, Ундан бошқа ҳеч кимса ибодат этилишга мустаҳақ эмас.

Мавзу яхши тушунилишига ёрдам берадиган саволлар:

1. Аллоҳнинг ваҳдонияти нима дегани?
2. Тавҳиднинг уч тури қайсидир?
3. Ширкнинг уч тури қайсидир?
4. Ҳамма пайғамбарлар чақирган сўз нима?



## ЎН УЧИНЧИ БАҲОР САОДАТИ

Ҳижрий 1425 йил, муҳаррамнинг олтинчи куни.

Изғиринга парвосиз, баҳорга кираётган азим шаҳарда яккам-дуккам, ҳуркибгина гуллаган ўриклар кўзимни яшнатади. Найза бўйи кўтарилган қуёш шуъаларидан руҳим ёришади. Автобуста ўтирарканман, юрагим тез-тез ураётганини сезиб, севинаман. “Ҳаяжонлансин-да, ҳазилакам зиёратга кетаётгани йўқ-ку...”

Ҳадис илмининг султони, имомуд-дунё, шайхул Исломи изи тушган заминни кўриш, ул зотнинг қабрларини зиёрат этиш ҳайбати мени олдиндан мутаассир этар, хаёлимни замонлар оша елдирад, тасаввур оламимда мозий билан бугун учрашар эди...

Ҳижрий икки юз эллик олтинчи йилнинг рамазони. Ёз охирлаб бораётибди. Пойкентдан келгунча ҳориб-толган Муҳаммад ибн Исмоил ялангликлар ўртасидаги Хартангга боқиб, ватандан жудолик дардини унутгандай бўлдилар. Деҳқон аҳли гийбатдан йироқ бўлади. Тупроқ билан тиллашади (у зотнинг катта боболари Бардизба ҳам деҳқон эди). Қолаверса, Хартангда тоза қалбли шогирдлари бор. “Ҳақиқат барибир ўрнини топади. Илм ҳеч қачон хор бўлмайди”.

Хартанглик Фолиб ибн Жаброилниқига тушдилар. Тақдири илоҳийнинг ёзуғи экан, бир ҳафтага етар-етмасдан хасталаниб, шу жойда узилдилар. Ҳижрий 256 йил (милодий 870) рамазони шарифнинг сўнгги туни — шанба кечаси эди. Эртаси ҳайит куни пешин намозидан кейин қабрга кўйилдилар (*Муҳиб ибн Сулайм маълумоти*). Бухорои шарифда таваллуд топиб, Исломи дини бешиги ва марказларида мусулмон юртларида доврўғ таратган, бутун умрини Жаноби Расулulloҳнинг ҳадисларини тўплашга ва саралашга сарфлаган, Исломи оламида энг мўътабар китоблардан бири “Ал-жомий ас-саҳиҳ” муаллифи, муҳаддислар устози чекка бир қишлоқ — Хартангда мадфун бўлди.

Ал-Бухорий тупроққа топширилган кун ҳам унинг улуглигидан бир аломатга ўхшайди. Жами мўмин-муслим рамазон ҳайитини нишонлаётган бир кунда шу диннинг фидойиси, Ҳазрати Расулulloҳнинг чин муҳиб бўлган бир инсоннинг жаноза намози ўқилди...

Ушбу қисқача хотирадан кейин дабдурст бугунимизга қайтиш қийин. Шундай бўлса-да...

Мамлакатимиздаги Исломи

билим юртлари орасида биттасининг ўрни бўлакча. Номи ҳам буюк муҳаддис ётган тупроққа эҳтиром ифодаси сифатида “Ҳадис илми маркази” деб аталади ва бошқа ўқув юртларидан фарқли ўлароқ, ҳадис сабоғига алоҳида эътибор қаратилади.

...Мадраса остонасидаёқ мени бир манзара ҳайратлантирди: ўқув юрти биносининг ўнг томонида Имом ал-Бухорийнинг мақбаралари. Мадрасанинг иккинчи қавати деразаларидан ҳазратнинг хилхоналари янада аниқ кўринади. Бу ҳужраларда толиблар дилларига ҳадисларни

муҳрлар экан, қаршиларида ул зот эшитиб тургандай бир масъулиятли ҳолатга тушадилар.

Юртга хуррият келган йили Имом ал-Бухорий масжиди қошида ташкил этилган мадраса бир мучал ёшидан ўтди. Шу муддат ичида қарийб икки юз нафарга яқин илм толиби битириб чиқди бу ерни. Қанча масжидлар илм нуридан обод бўлди, неча намозхонлар саводли имом-хатибларнинг илмидан файз топди, топаётир. Илм ўчоғида ҳозир тўрт босқичда етмиш саккиз нафар ўспирин ўқияпти. Улар юртимизнинг турли гўшаларидан келишган. Ҳатто учинчи босқич толиби **Артур Маникуян** Русия федератсиясидан илм ва ҳидоят талабиди келибди.

Ҳали мадраса устозларига мақсадимни айтиб улгурмасимдан, талабалар теграмизни ўраб олишди. Тўртинчи босқич толиби **Бобомурод Бектамишов** қўлтиғига Абу Ҳомид Ғаззолийнинг яқинда нашрдан чиққан “Тавба” китобини қўлтиқлаб олибди. Ёш муҳаддислар даврасида беихтиёр хаёлим яна мозийга кўчади.

“Муҳаммад ибн Аби Хотим ривоят қилади: “Салим ибн Мужоҳиддан эшитганман, у ай-

тар эди: Муҳаммад ибн Салом ал-Пойкандий ҳузурига борган эдим. У менга: “Сал олдинроқ келганингизда, етмиш минг ҳадис ёдлаган ўспирин болани кўрар эдингиз”, деб қолди.

Дарҳол унинг орқасидан чиқиб топдим-да: “Етмиш минг ҳадисни ёдлаган сенмисан?” деб сўрадим. Шунда Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий: “Ҳа, менман. Балки ёдлаганим бу миқдордан ҳам кўпроқдир, — деди ва сўзида давом этди: — Аввало сизга саҳобалардан ёки тобеинлардан бирор ҳадисни айтсам, албатта, улардан кўпларининг туғилиши, вафоти, қаерда яшаб ўтгани ҳақидаги маълумотларни ҳам қўшиб келтираман. Ривоят қилган ҳадисимнинг, албатта, асли бордур, уни Аллоҳнинг китобидан ёки Расулнинг (алайҳиссалом), суннатларидан мукамал ёдлаб олганман”.

— **Сизлар ҳадиси шарифни қандай ўрганасизлар, — деб сўрайман қизиқсиниб.**

Бобомурод жавоб қайтаради:

— Аввал асл арабий матнни ёдлаймиз. Кейин маъносини дақиқ нуқталаригача тушуниб олишга ҳаракат қиламиз. Сўнг ровийи, тарихини ўрганамиз. Шулар билан ҳадиснинг саҳиҳлиги тасдиқланади.

Муҳаммад ибн Исмоил ўспиринлигида ўн олти кунда ўн беш минг ҳадисни ёд олиш қувватига эга бўлган экан. Аллоҳнинг неъмاتي иқтидор ҳар кимга ўзига яраша берилади. Лекин болалик ва ёшликдаги сабоқ ёдга тез ўрнашади. Тошдаги битик каби хотирада узоқ вақт, айримларда бир умр сақланади.

Яна Бобомуродни саволга тутаман:

— **Сизлар қанча ҳадис ёдлайсизлар?**

— Ҳар ўқув йилида олти юзта ҳадис ёдлаш мажбурияти бор. Қолгани ўзингизнинг қизиқиш ва ҳавасингизга боғлиқ. Пешқадам тенгдошларимиз Акбар Али Юнусов саккиз юзта, Ислому Хидиров етти юзта ҳадис ёд олишган.

— **Қалбларингизга ўрнашиб**

**қолган ҳадислардан барини эшитишни истардим.**

**Акбар Али Юнусов** (3-босқич толиби):

— Аввало, бир-биримизни қўллаш, диндош биродарларимизга қўлимиздан келганча ёрдам бериш ғамида бўлишимиз, бунини бошқаларга ҳам англатишимиз лозим. Расулulloҳдан (с.а.в.) Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қилган бир ҳадиси шарифда шундай дейилади: “Бева аёлларга ва мискинларга ёрдам берган киши мана шу икки ёнма-ён бармоғим каби жаннатда мен билан бирга бўлади-ди”. Бу каби ҳадисларга ҳар бир киши амал қилиб яшаса, дунёда мухтожлар қолмаган бўлармиди, деб ўйлайман.

Ажойиб сабоқ. Саккиз юзта ҳадис ёдлаган қалб, ҳеч бўлмаса саккиз юзта яхшилик қилиш пайида бўлади. Эртамиз қанчалар умидли.

— Биз фақат ҳадис ёдлаш билан машғул бўлмаймиз. Қироат, тафсир, ақоид, араб тили (сарф-наҳв, мутолаа), муҳовара, мазҳаблар каби диний ва аксарият дунёвий фанларни ҳам ўрганамиз. Мен қироат билан информатика фанларини кўпроқ севаман, — дея суҳбатга қўшилди **Амруллоҳ Набиев**. — Қироат билан Аллоҳнинг каломи зийнатланади. Қалбга етади. Яхшигина жиҳозланган кампютерхонамиз бор. Кампютерларимиз интернетга уланса эди, мусулмон олами тараққиётидаги янгиликлардан вақтида хабардор бўлиб турардик.

**Хусниддин Ёлғашев** (2-босқич талабаси):

“Имом Бухорий ривоят қилган бир ҳадисда “Мўминларнинг энг яхшиси хулқ-атвори яхшисидир”, деб марҳамат қилганиди. Мен бу масканга келибгина ҳақиқий дунёни танидим, ибратли хулқ-атвор қандай бўлишини билдим. Устозларим

**Нодир Қобулов, Мухтор Ўтаев, Рамазон Жўлиев, Насрулло Исломовлардан** бир умр миннатдорман. Айниқса, ҳадис илми устозимиз **Асрорхон Аббосов**нинг билимдонлигига, нотиклик маҳоратига қойил қолганман. Бу домламиз ҳадис айтиб, уни шарҳласа, илмсиз киши ҳам ҳикматдан баҳра олади.

Давранинг бир четиди марказ мудири ўринбосари **Нодир Ваҳобов** толибларнинг фикрларини завқ билан кузатади. Мадраса котиби **Мансур Тоштанов** нималарнидир ёндафтарчасига белгилаб қўяди. Ёруғ умидлардан туғилган гурунг ҳали-бери тугамайдиган. Вақт хуфтон намози ўқиладиган паллага кирди. Бунини ҳис қилган мударрис **Бекзот Истамов** суҳбатимизга хулоса қилгандек, дейди:

— Ҳали бу орзуманд йигитларнинг оладиган илми, ошиб ўтадиган доволари олдинда. Менимча, уларнинг интилишлари беиз кетмаслиги учун уч нарса бўлиши шарт: аввало, ўқишларига ота-оналари рози бўлиб, дуои-жонларини қилиб туришсин; сўнг шунга яраша шарт-шароит бўлсин; учинчиси, чинакам маънодаги устоз таълимини олишсин, тарбиясини кўришсин.

\* \* \*

**“Аллоҳу акбар! Аллоҳу Акбар!.. — бомдод намозига чорлаб азон янгради.**

Хиёл ўтмай мадраса масжидида мударрис ва толиблар сафга туришди. Намоздан кейин буюк аллома руҳига Қуръон тиловат қилиш учун Рамазон ака билан мақбара томон юрдик. Ҳовлидаги азим чинорлар-





да кушлар нағма қилади. Бу жонзотлар ҳам эрта тонгдан тасбеҳларини бошлаб юборишган...

1999 йилда мадраса “Ҳадис илми маркази” номини олди. Шунга кўра, дарслар тизими қайта ишланди. Сабоқлар кўпайди. Ҳадис илмини ўрганишни чуқурлаштириш вазифага қўйилди. Ҳабибулло ака бу ўзгаришларнинг ташаббускорларидан эди. 2002 йилнинг апрелидан **Ҳабибулло Бойқобилов** мадраса мудири бўлди. У ишни талабаларнинг яшаш ва билим олиш шароитини яхшилашдан бошлади. Таълим ва тарбияда янгиликлар жорий қилди. Жамоода самимий бир муҳит қарор топди.

— Бу боғнинг бир қисми бизники, — дея сўз бошлади Ҳабибулло Бойқобилов, — Кўп йиллардан бери боғ қўлдан-қўлга ўтиб, қаровсиз қолган, серҳосил еридан фойдаланмай келинар эди. Ўтган йили уч гектарига бугдой экиб, талабаларимиз кўмагида йиғиштириб олдик. Ўз дони-дунимиз бўлди. Толиблар дастурхонига қўйиладиган тансиқ нон шу даланнинг инъоми. Йигирма минг туп терак кўчаги ўтказганмиз. Бир куни олдимиздан чиқади — хоналаримиз етишмаяпти, янги ётоқхона қурмоқчимиз...

Меҳнатқаш, хунарманд ўспирингина илм олишда қунтли, қобилиятли бўлади. Шу боис

ёшларнинг қайси хунарга қизиқишини суриштириб, унинг сирларини ўргатишга ҳаракат қиламан. Ошпаз, новвойларимиз ҳам толибларимизнинг ўзларидан. Саргарошлар ҳам. Мана бу иссиқхонага ҳам йигитларнинг ўзи қарашади. Юринг, дурадгорлик устахонамизни кўринг. Фан хоналаридаги жиҳозларнинг асосий қисмини қўли гул уста болаларимиз ясаган.

Танаффусга қўнғироқ чалинади. Йўлакда **Усмонхон Алимов** кўринади. Мудир: — Домла ҳолимиздан хабардор. Сешанба ва жума кунлари қироат фанидан дарс берадилар, — дейди.

**Усмонхон АЛИМОВ:** Аллоҳ наздида бандаларнинг афзалроғи илм ўрганган, ўрганганини бошқаларга ҳам ўргатувчилар эмасми? Шу боис камина бу масканга ошиқаман. Бор илмингни ёшларга ўргатганга нима етсин. Ҳадис илми маркази диёримиздаги диний билим юртлари ичида ягона. У шу номга лойиқ бўлиши керак-да. Бу мадраса тупроғини ялаганлардан пешқадам уламолар, илми комил муҳаддислар етишиб чиқишини орзу қиламиз. Бунинг учун аввало билимдон устозларни танлаб ишга жалб этиш керак. Шу ниятда мударрислар дарсларига кириб, уларнинг билим, малакаларини кузатаман. Баъзан талабаларнинг ўзлари билан учрашиб, устозларининг салоҳияти, иш йўсинини сўраб-суриштирман...

— Мен ҳам Усмонхон домланинг фикрларига астойдил кўшиламан, — дейди. Ҳабибулло ака. — Шу боис ҳам ҳар бир фанни фақат ўзининг мутахассиси ўтади. Ўттиз уч нафар мударрисимиз бор. Сўнг Ҳабибулло ака соатига қараб дейди:

— Намоз вақти бўлиб қолибди-ку? Дарвоқе, талабаларимиз мадраса масжидида жума намозига имом бўлишни ҳам ўрганиб боришади. Навбати билан ҳар бир талаба муаззин бўлади. Жума мавъзасини ўқийди, имомликка ўтади. Бугун учинчи босқичдан **Дилшод Пармо-**

**нов** азон чақиради, **Амруллоҳ Набиев** мавъиза қилади. **Акбар Али Юнусов** эса имом бўлади.

— Қуръони карим Жаброил, алайҳиссалом, орқали Пайғамбаримизга нозил қилиниши билан бутун инсониятга чин ҳидоят келди ва Аллоҳ расулига эргашувчиларга китобини комил қилиб берди, — илк бор минбарга чиқиб, буюк бир таълимотдан маъруза қилаётган ўспирин йигитчанинг жарангдор овозида ҳаяжон титроқлари сезилади. Лекин, ишонч билан сўзида давом этаркан, илоҳий бир ҳаяжон бизнинг қалбимизга-да кўчиб ўтади. Ва бутун борлигимизни забт этади. Бу ёрқин тарихни қайта-қайта эшитган бўлсам-да, илк бор тинглаётгандай бўламан. Бутун вужудимни юксак кайфият чулғайди. Бундай пайтлар инсон инсонлигини ҳис қилади. Коинот ичра ўрнини, Аллоҳ олдида ожизлигини аниқ-тиниқ билиб туради...

Беихтиёр Имом ал-Бухорийнинг шаҳри шарифда илк бор жума намозида минбарга кўтарилганлари қандай бўлган экан, деб ўйлайман... Аллоҳнинг марҳамати ила ул зот юрагидан отилиб чиққан таъсирчан, залворли калом намозхонларни сел қилиб йиғлатган, қанча-қанча бандага ҳақни танитгани бегумон.

Бугун ҳам ҳурлик шарофати билан Парвардигор йўлига қайтиб, ўн учинчи баҳорни қаршилаётган Мовароуннаҳр фарзандлари кўзларида севинч ёшлари ила Ҳақ минбарига кўтарилаётган мана шу ўспиринларни қутласа арзийди. Бунинг учун Яраганга туганмас ҳамдлар, Расули Акрамга дуруди салавоглар бўлсин. Ўн уч баҳордан буён руҳи қувониб, кенжа шогирдлари сабоғига қулоқ тутиб ётган ҳазрати бобомиз, ҳадис илми пешвоси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг эса қабрлари нурга тўлсин.

**Вафо ФАЙЗУЛЛО**



# ПАРҲЕЗКОРЛИК

Ўн тўққизинчи аср ниҳоясида ҳозирги Янгиқўрғон туманининг Шўркент қишлоғида Мулло Сатти охунд отлиғ зуҳд-тақволи, аҳли фазл, орифи биллоҳ бир зот истиқомат қилганлар. Бу олим кишини мактабдорлик қилиш учун Наманганга такрор-такрор таклиф этаверишгач, кўчиб келиб шаҳарнинг Хаста Хизр даҳасидаги масжидда имом, мадрасада мударрис бўлиб, дин хизматига киришадилар.

Мулло Сатти охунднинг тақволари ва парҳезкорликлари ҳақида замондош уламолардан кўплаб ривоятлар ёзиб олинган. Куйида шулардан бирини келтирамыз:

Охунд хазратлари ўзгалар дастурхонидан таом емас, одамлар маломатидан қўрқиб, енг ичида уйларида келтирилган нонни ушоқлаб оғизга солиб ўтирардилар. Иттифоқо, ўз хонадонидagi меҳмондорчиликда бу ҳолатни сезиб қолган шогирдларидан бири устоздан бир оз ўпкалади:

— Тақсир, наҳотки ўз шогирдларининг дастурхонидаги таомдан ҳам ҳазар қилсалар?

Бунга жавобан Охунд хазратлари:

— Йўқ бўтам, гап сизнинг таомингиз ҳалоллиги ёхуд менинг ҳалқумим поклиги ҳақида эмас, балки зурриётларимнинг тақвоси тўғрисида бораётирки, бас, бунда каминани маъзур тутгайсиз! — дедилар.

Ҳамиша ҳалоллик, поклик, тақво йўлини тутган бу зот парҳезкорликлари мукофотини дунё ҳаётидаёқ олдилар: беш солиҳ ўғил, уч солиҳа қиз кўриб, уларни Аллоҳдан кўрқадиган ва Унинг ризоси талабида бўлган инсонлар қилиб тарбияладилар. Тўнғич ўғиллари Иброҳим маҳдум етук олим, ҳофизул Қуръон эдилар, узок йиллар шаҳар масжидларида имом-хатиб, мактабдорлик қилиб, халққа дин-ирфон тарқатиб ўтди.

Иккинчи фарзандлари Исмоил Маҳдум замонанинг машҳур дин ва жамоат арбоби, етук олим ва мураттаб қори бўлиб етишди. Совет тузумининг энг оғир йилларида “Мир-Араб” мадрасаси мудири, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назорати раисининг ўринбосари вазифаларида самарали ишлаб, дину динат йўлида холис хизмат қилди.

Учинчи фарзандлари Исҳоқ маҳдум ҳам таниқли маърифатпарвар олим, мураттаб қори, мударрис, муаррих, шоир, гўзал ҳуснихат соҳиби эди. Кўп йиллар Тошкент, Наманган, Сирдарё, Ўш, Андижон, Фарғона вилоятларидаги масжидларда имом-хатиб, Намангандаги “Мулла Қирғиз” мадрасасида мударрис бўлди.

Мулла Сатти охунднинг кейинги ўғиллари Ҳабибуллоҳ ва Убайдуллоҳ, қизлари ҳам шариат илмидан бохабар, туркий ва форсий саводхон, солиҳ инсонлар бўлиб етишишди. Ҳар гал ҳалол луқма, ҳалқум поклиги ҳақида сўз борганида фарзандларини парҳезкорлик ва ҳалол луқма билан тарбия қилган Мулла Сатти охунд хазратларининг улуғ ибратлари эсга тушаверади.

\* \* \*

Наманганда Шамсиддин қори исмли тақволи, парҳезкор, ҳофизул Қуръон бир зот бор эди (Аллоҳ ўз раҳматига олсин). Бу зотнинг фарзанди аржумандлари Фатҳиддин қори ўша пайтларда толиби илм эди. Қуръ-

они каримни тўла хатм қилиб, энди фақиҳлардан таълим олаётгани. Бир куни Фатҳиддин пулсизликдан қийналиб қолдики ёки бирор нарса харид қилиш эҳтиёжи туғилдики, ҳарқалай дадаларидан пул сўрашга мажбур бўлди.

Минг ҳижолат, минг истиҳолада дадаларининг ҳужраларига салом бериб, кириб бордилар. Қори домла китоб кўриб ўтирган эканлар. Кўзойнак устидан ўғилларига “Нима хизмат бор эди?” дегандай тикилдилар. Фатҳиддин бир оз ўнғайсизланиб тургач, “озроқ пул зарур бўлиб қолди”, дея олди аранг.

وَأَطِيعُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ  
وَسَارِعُوا إِلَى مَغْفِرَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ وَجَنَّةٍ  
عَرْضُهَا السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ أُعِدَّتْ لِلْمُتَّقِينَ

**Аллоҳга ва Пайғамбарга итоат қилингиз. Шояд Аллоҳнинг раҳматига мушарраф бўлгайсиз. Ва Парвардигорингиз томонидан бўлгуси мағфиратга шошилингиз! У (жаннат) тақводор зотлар учун тайёрлаб қўйилгандир (Ол-и Имрон, 132–133).**

Қори домла ўтирган кўрпача қатини очиб кўрдилар. Биринчи қат остида дасталанган анча пул бор эди. Уни ёпиб, иккинчи қаватни очдилар, у ерда ҳам пул ётарди. Охири энг пастки қаватини очувдилар, у ер бўмбўш экан. Кейин ҳамон қўл қовуштириб турган ўғилларига юзланиб, шундай дедилар:

— Ўғлим, пул беролмас эканман, бир-икки кун сабр қилишингизга тўғри келади. Чунки ҳозир пулим йўқ экан.

Фатҳиддин оталарининг гапларига ҳайрон, тараддуланиб туриб қолди. “Ахир кўрпача қатларида даста-даста пул турибди-ку, нега дадалари хасислик қилиб уларни бергани рози бўлмаятдилар”.

Ўғилларининг ҳолатини сезган қори домла изоҳ беришга мажбур бўлдилар:

— Ўғлим, кўриб турганингиздек, қўлимда пул бор, аммо улардан сизга беролмайман. Сабаби, манави даста пуллар масжидга аталган пуллар, бунга хиёнат қилолмайман, уларни хазинага топширишим керак. Иккинчи қатдаги пуллар тўй ва маъракалардан эҳсон қилинган пуллар. Мен уларни рўзғоримга ишлатишдан парҳез қиламан, ночор ва фақирларга эҳсон қилишни мўлжаллаб қўйганман. Энди бир оз сабр қилиб турсангиз, маошимдан бераман, шунда ҳалқумингиз булганмайди, сабоқ олишингиз ҳам мушкул бўлмайди.

Фатҳиддин бош ирғаб, ортга тисарилар экан, шундай тақволи, парҳезкор зотнинг фарзанди эканидан қалби ифтихорга тўлди.

Аҳмад МУҲАММАД

*Ислом шариати шафқат ва марҳамат тимсолидир. Унинг аҳкомлари ўзаро муҳаббат, меҳр-мурувват, дўстлик, адолат, инсоф, ахлоқий баркамоллик каби фазилатларни мустаҳкамлашга йўналтирилган. Ислом дини аҳкомлари инсоннинг динини, жонини, молини, ақлини ва наслини сақлашга қаратилган.*

# ГИЁҲВАНДЛИК ОФАТДИР

Шариатимизда барча маст қилувчи моддалар, жумладан, гиёҳвандлик ҳам ҳаром деб ҳукм қилинган. Зеро, гиёҳвандлик инсонни хорликка етакловчи офатдир. Ҳадиси шарифда: “Ҳар бир маст қилувчи нарса хамрдир ва ҳар бир хамр ҳаромдир”, дейилади (*Имом Муслим ривояти*).

Демак, ҳар қандай маст қилувчи нарсалар хамр ва уларнинг истеъмоли ҳаром. Ҳазрати Ойша (р.а.) ривоят қилган ҳадисда: “Ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаромдир, агар бир челаги маст қилса, унинг бир ҳовучи ҳам ҳаромдир”, дейилади.

Абу Довуд ривоят қилган бир ҳадис мазмуни бундай: “Ҳар қандай маст қилувчи ва қарахт қилувчи нарса ҳаромдир”.

Машҳур уламолардан ал-Ироқий ва Шайхулислом ибн Таймиййа (*XIV асрда яшаган*) ҳамда бошқа кўп уламолар наша ва тарёқни билиттифоқ ҳаром ва ўта зарарли деган хулосага келиб, ижмоъ қилишган ва кимки ҳалол деб иддао қилса, ўша киши кофир бўлади, дейишган.

Ибн Таймийяннинг таъкидлашича, тарёқ дастлаб еттинчи ҳижрий (*XIII милодий*) асрда муғул истилоси вақтида пайдо бўлган. Муғуллар уни истеъмоли қилишган, шунинг учун ҳам ўта раҳмсиз бўлишган. Тарёқни Ислом давлатларига ва бошқа мамлакатларга ҳам тарқатганлар муғуллардир.

Тарёқ хамрга оид моддаларнинг энг қотиладир, чунки у кишиларда хомхаёллик, қарахтлик кайфиятини туғдиради. Банг ҳам уларнинг сафига қиради. “Бинобарин, — дейди ибн Таймиййа ўзининг “Фатво”сида, — бу моддаларни истеъмоли қилувчилар жазога тортилиши керак”.

Машҳур табиб ибн ал-Байторнинг айтишича, нашанинг бошқа номи каноп бўлиб, Мисрда кўп ўстирилган. Кимки бу ўта зарарли ва маст қилувчи моддадан бир дирҳам ёки икки дирҳам миқ-

дорда тановул қилса, уни дунё ҳаётидан беҳабар қилиб қўйишини ва юздан ортиқ диний ва дунёвий зарарларга сабаб бўлишини уламолар аниқлашган.

XI милодий асрда яшаган буюк аллома Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Саҳл ас-Сарахсий “Банг (*афюн*) X асрдан бошлаб бизнинг диёримизда пайдо бўлди ва кўп

кишилар унга мубтало бўлдилар”, дейди.

Аллома Шайхулислом ибн Таймиййа айтадилар: “Гиёҳванд моддалар инсон ақли ва мижозини ишдан чиқаради; инсоннинг энг зарур аъзоси бўлмиш қўл ва оёқларни маълум вақтга ҳаракатсиз қилиб қўяди ва уни шолликка олиб келади”.

Ибн Ҳажар фатволарида айтишларича, “Хамр моддалардан ҳидлаш орқали қўлланиладигани ҳам бор. Уни истеъмоли қилиш ҳам ҳаром, чунки уни ҳидлаган инсон ўзини назорат қилиш қобилия-



тини йўқотади ҳамда қилган ишини билмай қолади” (“*Фатаво Исломиёа*”, 10-жилд, 3516-бет).

Гиёҳванд моддалар ҳаром бўлгач, уни сотиш ҳам, тижорати ҳам, олинган фойда ҳам ҳаром ҳисобланади.

Қуръони карим оятларида мўминлар ичкилик ичиладиган ва гиёҳванд моддалар тановул қилинадиган йиғин ва ўтиришларда қатнашишдан қайтарилади. Чунки шундай йиғинларга қатнашиш орқали ўша ботил ишларга қўшилиб кетиш хавфи бор. Зеро, фосиқ ва бадхулқ кишиларга ҳамнишин бўлиш софдил одамларнинг ҳам ахлоқини бузади.

Аллома ибн Ҳажар ал-Маккий “Катта фатво”сида ёзишича: “Гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишда бир қанча диний ва дунёвий зарарлар мавжуд: инсон тафаккурини тўмтоқлаштиради, баданнинг ҳар хил касалликларга чидамлилигини йўқотади, хотирани тунд қилиб қўяди, бошоғриққа мубтало қилади, юрак касалига учратади, ақл-хушнинг мувозанатини бузади, сил ва истисқо касалини келтириб чиқаради, шарму ҳаёни, мурувват ва инсоний муносабатни кеткази ва ҳоказо”.

Бундан ташқари, гиёҳвандлик инсонни ўта ялқов ва камгайрат, оилага бепарво қилиб қўяди, кўзни хиралаштиради, тишларни сарғайтиради ва вақтидан олдин тўкилиб кетишига олиб келади.

Гиёҳванд моддаларини сотишдан қўлга киритилган даромадлар шариятда ҳаром моллар деб ҳисобланади.

Шарият кўзда тутган эзгу мақсадлар Қуръон ва ҳадисларда баён қилинган бўлиб, айниқса бешта зарурий нарса — ҳар кишининг дини-эътиқоди, жони, моли, ақли ва наслининг саломатлигини авайлаб сақлашга эътибор беришини сўзимиз бошида айтдик.

Диний эътиқод ҳар бир шахснинг руҳий мулкидир. Унга бировнинг тажовуз қилиши мумкин эмас. Гиёҳванд моддаларини сотиш ва тарқатишни шарият шахс ва унинг жонига қарши қилинган тажовуз деб ҳисоблайди. Шахснинг ўз жонига гиёҳвандлик йўли билан тажовуз қилиши эса оғир гуноҳдир. Гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш ва ўзини шу йўл билан хароб қилиш Аллоҳ берган энг улугъ неъмат бўлмиш умрнинг қадрига етмасликдир.

Инсонни гиёҳвандликдан сақлаш унинг жонини сақлаш билан баробардир.

Ҳаммага маълумки, инсоннинг бахт-саодати унинг ақл-идроки билан боғлиқдир. Ақл жасада руҳ кабидир. Инсон ақл воситаси билан зарарли нарсани фойдали нарсдан ажратади. Гиёҳвандликка берилган киши эса, яхшини ёмондан ва зарар-

ни фойдадан ажратолмай қолади. Аллоҳ инсонни унинг ақли сабабли бошқа махлуқотлардан афзал қилиб яратди. Шунинг учун унинг ақлига футур етказувчи ҳамма нарсани ҳаром қилди ва манъ этди. Ичкилик ва гиёҳвандлик шахс билан жамият ўртасидаги муносабатнинг бузилишига олиб келади.

Дарҳақиқат, буни бугунги ҳаётимизда ҳам тез-тез учратиб тураемиз. Гиёҳванд кишилар қавмиқариндошидан, гулдай фарзандларидан, умр йўлдошидан ажралиб қолаётгани, ундан кўпинча мажруҳ фарзандлар туғилаётгани ҳаётда кўрилатган ҳақиқатдир. Гиёҳванд киши иродасиз қолиб, ўзганинг асирига айланади.

Ичкилик ва гиёҳвандлик моддаларининг зарарларини ҳозирги замонамиздаги илмий тадқиқотлар ҳам исботламоқда. Бу моддаларни истеъмол қилувчиларнинг секин-аста оғир касалликларга йўлиқишлари ва ички аъзоларида тузатиб бўлмас оғир хасталиклар пайдо бўлиши шулар жумласидандир.

Гиёҳванд моддалар кишининг меъдаси, жигари ва ўпкаларини ишдан чиқаради. Демак, гиёҳвандлик ўз жонига ўзи қасд қилишдан бошқа нарса эмас.

Ички ва ташқи аъзоларнинг соғлигини асраш вожиблиги ва зарурлиги Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларида собит бўлган. “Баданингиз, аъзоларингиз, кўзингиз, оёқларингизнинг сизда ҳақи бор, уларнинг ҳаққини бажо келтиринг, гуноҳ бўладиган жойларга ишлатманг”, деганлар ул зот. Маст қилувчи ва карахт қилувчи моддалар энг аввал инсоннинг энг муҳим аъзоларини ишдан чиқаради ва уни ҳалокатга олиб келади.

Бу моддаларни тановул қилиш мол-дунё ва бойлик исроф бўлишига ҳам олиб келади. Исрофгарчилик эса инсонни хор-зорликка элтади.

Ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.): “Эй Парвардигоро, мени қариб, кексайиб қолган чоғимда ризқи рўзимни кенгроқ қилгайсан”, деб дуо қиладилар.

Киши ёшликданоқ қарилик ғамини ейиши, ўзини ичкилик ва гиёҳвандликдан асраб, қариганида хор-зор бўлиб қолишдан сақлаши лозимлиги ушбу ҳадиси шариф мазмунидан англаш қийин эмас.

Баъзан ёшларга қарилик ва кексалик замони ҳали узоқ кўринса-да, билсинларки, умр тез ўтади, ҳадемай сочлар оқариб, кўзлар хиралашади, кексалик тезлик билан етиб келганини сезмай қоладилар.

**Авазхон ҲАЙДАР ўғли,**

*Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги «Омина» жомеъ масжиди имом-хатиби*

# ЖУДА КЕЧ САБОҚ ОЛДИМ

Ўсмирлигимни эсласам, дилим орзиқиб кетади. Мен соддагина, жуда маъсума қиз эдим. Тиббиёт билим юртининг биринчи босқичини аъло баҳоларга битирганимда, муаллимларим ютуғимнинг мукофоти сифатида ёзги таътилда касалхонада санитаркалик қилишни тўғрилаб беришди. Отам биздан алоҳида яшар, онамнинг ойлиги тузук ебичишимизга ҳам етмас эди. Баллоғат остонасига яқинлашган ўн беш ёшли қизнинг ҳавойи кўнгли нималарни истамайди дейсиз. Атрофдаги бойвучча хонимларнинг зар либослари кўнглимни бир қитиқласа, хорижликларнинг энгил-боши ҳавасимни баттар жунбушга келтирарди. Шундай пайтда пул ишлаб топишнинг имкони туғилгани кучимга куч қўшди. Елиб-югуриб вазифамни бажарганимдан, кўп ўтмай ҳамширалликни ҳам ўрганиб олдим. Ҳамширалар гоҳо укол қилишни менга топширадиган бўлишди.

Мен қарайдиган хонада гапга чечан ўттиз ёшлардаги бир одам даволанарди. Гап-сўзидан мен уни яхши одам ҳисоблардим. Бир сафар укол қилмоқчи бўлганимда: “тўхта-чи, ўзим бошлаб ташлайман”, деб қолди. Ва менинг анграйиб қолганимга бепарво, билагига ўзи нина санчиди. Кейин эса уколга қўшимча миқдор қўшишни уқтирди. Мен соддадил бу одам оғир касал экан, оғриғини пасайтириш учун карахтлан-тирувчи дорини ортиқроқ олса, осмон узилиб ерга тушмайди-ку, деб ўйлабман...

Салдан кейин ишнинг кўплиги, қон кўриб, доғ-дуғли латталарга аралаш-қуралаш ҳолда,

жароҳати ҳар хил беморларнинг оҳвоҳи оралаб юриш тинка-мадоримни курутди. Асабимни бузди. Нимагадир чалғиб, ором топишни истардим. Шунда ҳалиги бемор жонимга ора киргандай бўлди... Баданимга игна санчди. Бундан ўзимни анча тетик тортдим. Танам энгил, руҳим озод бўлгандай туюларди. Кўп ўтмай унга бутунлай суяниб қолдим. Уйга ишдан ҳориб-чарчаб қайтардим-да, билагимга игна санчардим. Бир оз энгил бўлгач, қоғозга ўраб, ичга тортардим. Кейин... дунёни сув босса, тўпигимга чиқмай қоладиган бўлди.

Бир куни нотаниш одам кўнги-роқ қилиб, уйига таклиф этди. Гиёҳванд “беморим”дан мен ҳақимда эшитиб, ғойибдан ҳурмати ошибди. Қизиқиш устунлик қилиб, айтилган жойга боришга рози бўлдим. Борганимда, уй тўла одам эди. Кучоқ очиб кутиб олгандай бўлишди. Улар ўзларини ниҳоятда хушмуомала, илтифотли тутишар, чекишда ҳам бир-бирига эгилиб-букилиб, гўё ҳурматларини ифода қилишар эди. Ўттиз билан қирқ ёш орасидаги бу катта-катта одамларнинг митти қизчани ўз тенгидек кўришлари, ҳар ишга унинг ҳам ҳиссаси бордек гапиришлари мени бутунлай эсанкира-тиб қўйди. Бор ихтиёрим улар кўлига ўтиб, бошим айланиб юрардим.

Нодон эканман. Уларга мен керак бўлганимдан шундай муомала қилишган ва роса «туширишган» экан. Касалхонада ишлаганим боис истаганларича гиёҳванд дориларни келтириб берардим.



Қанчалик оғир жиноят. Ҳозир ўйлаб, кўрқиб кетаман. Ҳолбуки, мен у пайт холис хизматим учун ўзимни қаҳрамон деб билардим.

Қорадори мени бутунлай энгил олгач, омад ҳам юз ўғирди. Ишдан ҳайдалдим. Бир тийинга зор бўлиб кўчада қолдим. Бироқ номинг ўчгур гиёҳвандлик хумори ҳеч қўймасди. Нима қилишимни билмасдан охири “улфатларим” олдига эланиб бордим. Зорланиб, заҳри қотилдан озгина бериб туришларини илтижо қилиб сўрадим. Танимагандай “йўқ” деб тураверишди. Берган ёрдамларимни эсларига солганимда эса ашаддий йиртқишларга айланишди. Аямасдан калтаклашди. Орномусимни ерга қориб ташлашди.

Улар банги хумори тутса, заррадеккина заҳар учун ҳар қандай яқин кишиси ва норасидасидан кечишга тайёр. Алмаштираётган одами акаси ёки синглиси, ҳатто турмуш ўртоғи бўлса ҳам уларга фарқсиз. Ўзим танийдиган даврамиздаги аёллардан бири, нафсини қондириш учун қизалогини игнага қўйган бўлса, иккинчиси ўзи туққан норасидасини сотди, ҳатто яна бир нафс бандаси ўн иккига ҳам кирмаган қизини қийнайверганидан охири қизча ўзини ҳалок этди...

Эҳ, буларнинг баридан мен жуда кеч сабоқ олдим. Жуда кеч.

**КАТЕРИНА,**

«Неделя» газетидан олинди

# ЯХШИЛИК ҚИЛАМАН ДЕБ...

Зебо оиламизнинг кенжаси. Эрка ўсиб, бўйга етди. Ота-онам у нима истаса, муҳайё этишар, ҳали ёш, унга қийин, деб тузук-қуруқ иш ҳам қилдиришмасди, Пастбаланд гапларини эса болаликка йўйишарди.

Зебонинг жойи чиқди, узатдик. Аммо кўп ўтмай, қайтиб келди. Кўзёш қилиб, ундай эр билан яшамаслигини айтди. Тирикчилик ташвишларидан қийналиб, жабр кўрибди. Айтишича, куёв бўлмишнинг бир талай камчиликлари бор экан... Ота-онам бу гапларни чиппа-чин қабул қилиб, Зебони ажратиб олишди. Жигарлик меҳри бормасми, мен ҳам унга ачиндим...

Уни бахтли-саодатли кўришни орзу қилдим. Бирон-бир мўмин-мусулмон билан насибаси қўшилса эди... Шундай йигит ҳам топилди.

Абдуҳамид аёлимнинг қариндоши. Уни аввалдан билганим боис кўнглим хотиржам бўлди. Яхши тарбия кўрган, ҳунарманд, энг яхшиси, мусулмончилик амалларини беками-кўст бажаради. У билан Зебо ҳаётини боғласа, бахтини топадигандек эди.

Бироқ Зебонинг турмуш ўртоғидан нолишлари қолмади. Хотинимни юбориб, гап нимадалигини суриштирдим. Ўйлаганимдай, асосий айб Зебода бўлиб чиқди. Нарсапарастлиги, сабрсизлиги билан эрининг бошини қотираётган экан. Зебони бу йўлдан қайтаришга уриндим. Куёвни ҳам сабр қилиш-

га даъват этдим. Синглимнинг инжиқликлари учун кечирим сўрадим. Ахир, аёл ҳам рўзғорнинг бор-йўғига чидамаса, шароитга мослашмаса, ҳадеб эридан нолинаверса, оилада аҳиллик бўлармиди?!

Зебо буларни тушунмади. Бир куни йиғлаб келиб эрини ўғриликда айблади: тақинчоқларим йўқолиб қолди, Абдуҳамид ўмарган, дейди. Талабича, биз унинг гапига ишониб, буни эрининг бўйнига қўйиб беришимиз керак эмиш.

— Эй сингилжон, худодан қўрқ, гумон имондан айиради, дейдилар. Кўрмаган нарсанг учун ўз эрингни ёмон отликқа чиқарасанми? — дея инсофга чақирмоқчи бўлдим.

Қани энди тушунса... Мен у билан яшамайман, деб туриб олди. Қарасам, ҳамма унинг тарафини оляпти.

Чидаб туролмадим.

— Бунақада, билиб-билмасдан, яхшилик қиламан, деб, Зебонинг бахтига зомин бўласизлар-ку. Ундан кўра, тўғри насиҳат бериб, уйига элтиб қўйсак, яхшимасми, — дедим.

Шунда менга таъна қила кетишди:

— Ҳаммасини сен қилдинг. Хотинингга қариндош бўлгани учун унинг ёнини оляпсан, акамисан ўзи, бор унақа куёвнинг таъзирини бер, бўлмаса уйдан чиқиб кет...

Мен ижарага уй топдим. Ўшанда маълум вақт қийналганим рост. Лекин ҳеч кимдан хафа бўлганим йўқ. Фақат мени синглимнинг оиласи бузилиб кетаётгани, уни асраб қолишга кучим етмагани изтиробга соларди.

Ҳамон синглим Зебонинг тақдирини ўйлайман. Эридан ажралиб, нимага эришди? Болаларига ота меҳри, ота тарбиясини қаердан олиб беради?

Ҳаммасига асосий сабаб исломий тарбиядан йироқлигимиз. Ёшлар гўрлик қилиб, адашган экан, катталар насиҳат бериб, тўғри йўлни кўрсатишлари, оилани сақлаб қолишлари зарур эмасми? Лекин...

**ДАВЛАТМУРОД,**

*Навоий тумани*





# СУВЛАРГА ОИД ҲУКМЛАР

Сувларни шариатимиз уч турга ажратади:

1. Тоза ва тозаловчи (тоҳир ва таҳур) сув.
2. Тоза аммо тозаловчи бўлмаган (тоҳир, ғайритаҳур) сув.
3. Ҳаром (ишлатишга яроқсиз) сув.

Булардан фақат тоза ва тозаловчи сув таҳорат ва ғусл учун яроқлидир.

## **Тоза ва тозаловчи сув**

Соф булоқ, қудуқ, дарё, денгиз, қўл ва осмон сувлари тоза ва тозаловчи сувлардир.

Аммо бу сувларга шаръий тоза нарсалар яъни:

— тупроқ каби қаттиқ жисм аралашиб, сувнинг юмшоқлигини ва оқувчанлигини йўқотса;

— ҳид, таъм ва рангда сувга мутлақ ўхшамайдиган сирка каби суюқ жисм аралашиб, сувнинг уч сифатидан (ҳид, таъм, ранг) иккитасини ўзгартирса;

— сувга ўхшаган сут каби суюқ жисм аралашиб, сувнинг бир сифатини бузса;

— мустаъмал сув аралашиб, унинг миқдори соф сув миқдоридан кўп бўлса, таҳорат ва ғуслга ярамайди.

Шунингдек, тозалаш воси-

тасидан ўзга нарса қўшиб қайнатилган сув ҳам таҳорат ва ғуслга яроқсиздир.

Тоза ва тозаловчи сувда ари, чаён, чивин каби қони бўлмаган ҳашоратлар ёки балиқлар каби сувда туғилиб, сувда яшайдиган жонзотлар ўлса, таҳорат ва ғуслга яроқли бўлаверади. Аммо сувда яшовчи ейиш ҳаром бўлган жонзотлар ўлиб, титилиб кетган сувни ичиш таҳримий макруҳдир. Тоза ва тозаловчи соф сув узоқ сақланиб туриш натижада ўзгарса ҳам, у билан таҳорат олиш мумкин.

## **Ҳаром сув**

Сатҳи ўн квадрат метрдан кам бўлган жой ё идишда бўлган тоза ва тозаловчи сувга озгина нажас тушса ё қуруқликда туғилиб, сувда яшовчи ҳайвон ўлса, бу сув ҳаром бўлади.

Сатҳи ўн квадрат метр ё бундан кўп бўлган жой ё идишдаги ёки оқар сувга нажас тушса, унда нажаснинг уч сифатидан бири (ҳиди, ранги ва таъми) билинганда бу сув ҳаром бўлади.

Ҳаром бўлган сув, унга тоза сув қўшилиб, кўпайса ё турган жойида ўзгарса; (м: ундаги нажас ҳиди йўқолса) тоза бўлмай-

ди. Ҳаром сув кўп миқдордаги оқар сувга қўшилиб, оққанидагина тоза бўлади.

## **Мустаъмал сув нима?**

Таҳорат ва ғуслга, шунингдек, овқатдан олдин ва сўнг суннат ниятида қўл ювишга ишлатиладиган сувлар мустаъмал сув бўлади. Мустаъмал сувни ичиш таҳримий макруҳдир.

Таҳоратдан сўнг қўл бармоқларидан томадиган сувлар мустаъмал сув бўлганидан уларни ҳўплаш мумкин эмас.

## **Қолдиқ сувлар**

Ҳар тоифа инсоннинг агар жунуб (ғусл вожиб бўлган киши, ҳайз ё нифос ҳолида бўлса ҳам) ва гўшти ейиладиган ҳайвонларнинг (агар оғзи тоза бўлса) истеъмолидан сўнг қолган сув (наrsa) тозадир, таҳоратга яроқлидир.

Чўчқа, ит, йиртқич ҳайвонлардан қолган сув, шунингдек, ароқ ичган кишининг ароқ ичганидан кейиноқ ичган сувидан қолгани ҳамда мушукнинг сичқон ейиши биланоқ ичган сувидан ортгани ғализа нажасдир.

Тумшугида нажас бўлмаган бўш юрган товуқ, йиртқич

қушлар ва мушук, сичқон, илон каби уй жонзотлари теккан сув макруҳдир. Тоza ва тозаловчи сув бўлганида бу сув билан таҳорат олиш макруҳдир.

Эшак ва хачирдан ортган сувнинг таҳурлиги шубҳали. Шу боис бошқа сув бўлмаганида у билан таҳорат олинади ва тайаммум ҳам қилинади. Бу ҳолда аввал тайаммум қилиб, сўнг таҳорат қилиш ҳам мумкин.

### Қудуқ сувлари

Қудуққа нажас ё ҳаром сув тушса, ё унда сувда туғилиб, сувда яшовчи жонзотлардан ўзга қони бор ҳайвон ўлиб, шишган ё ёрилган бўлса, ё унда жуссаси қўй ва ундан катта ҳайвон ўлиб, шишмаган бўлса ҳам қудуқдаги сув ҳаром бўлади. Тушган нарса олиб ташланиб, ундаги бор сув тортиб ташланганидан сўнг қудуқ тоза бўлади. Агар қудуқ сувини тўла тортиб ташлаш мумкин бўлмаса, ундаги бор сув миқдорича сув, икки мутахассис аниқлагач, тортиб ташланиши лозим. Сўнг қолгани тоза бўлади.

Агар пишгак, унга ҳаром сув қуйилиб ҳаром бўлса, ундаги сувни чамалаш имкони бўлмаганидан, 200 челақ вужубан, 100 челақ истихбобан, жами 300 челақ пишиб ташлангач, тоза бўлади.

Қудуққа каптар ва товуқ каби ҳайвонлар тушиб ўлса, шишмаган бўлса, унинг сувидан 40 челақ вужубан, 20 челақ истихбобан, жами 60 челақ тортиб ташлаш лозим. Агар унга сичқон ва чумчуқ каби жонзотлар тушиб ўлса, шишмаган бўлса, унинг сувидан 20 челақ тортиб ташлаш керак.

Қудуқ нажас тушганидан эътиборан ҳаром бўлади. Аммо нажас (ҳайвон) тушган вақти номаълум ва тушган ҳайвон шишмаган бўлса, бир кеча-қудуз аввал тушган деб эътибор қилинади.

Агар тушиб ўлган нарса шишган бўлса, уч кеча-кундуз олдин тушган ҳисобланади ва қудуқ нажас бўлган деб ҳисобланган вақтларда унинг сувидан таҳорат олиб, ўқилган намозлар қайта ўқилади, ювилган кийимлар қайта ювилади.

**Муҳаммад Шариф ЖУМАН**  
тайёрлади.

Эркин МАЛИК

## ТАВАККАЛГА ЯРАША БАРАКА

Файбуллоҳнинг қизи мучал ёшидан ўтиб, ўғли ҳам шунга яқинлашиб қолди ҳамки, ҳамон уйи йўқ, ижарада яшайди. Аллоҳ берса қулига, чиқариб қўяр йўлига, деганларидек, бир кунда ҳовли-жойли бўлди-қолди. Қандай қилиб, дейсизми? Мана, эшитинг:

Дурадгор Хайруллоҳ ота бу катта шаҳарда қўли гул уста сифатида ном чиқарган. Тўққиз ўғил ўстирди. Болаликдан ота касбини эгаллашди-ю, лекин улгайгач, турли йўллардан кетишди. Бироқ рўзгорчилик... уста қидириб кўчага чиқишмайди. Ота бўлса, энди касбини зўр бериб набираларга ўргатиш билан овра. Набиралар мактабдан таътилга чиқди дегунча “ҳарбий хизматга” чақирилишди. Хизмат жойи — отанинг устахонаси. Бу ерда тартиб ҳарбийдагидек қаттиқ. Шогирд-набиралар тонг билан уйғонишади. Бадантарбия қилишади. Югуриб маҳаллани бир айланиб чиқишади. Кейин ювиниб-таранишади. Намоздан кейин нонуштагача кунлик ишларнинг режасини олишади. Нонуштадан кейин режалар муҳокама қилинади. Ана ундан кейин бош кўтармай ишланади. Мусиқа, кинога ўхшаш чалғитувчилар ясоқ. Тушлик овқатиниям навбати билан ўзлари тайёрлашади. Узоғи билан бир соат қайлула уйқуси олинади. Яна ишга... Шунгами, набиралар устахонанинг номини “армия” қўйиб олишган.

Таътил охирлаб, мактаблар бошланиш арафасида “ҳарбий хизмат” поёнига етади. Набиралар орасида қўли келиб қолгани бўлса, тантанали равишда оқ фотиҳа берилади. Буниям ўзига яраша расм-русмлари бор.

Ўтган ёз таътилида Файбуллоҳнинг ўғли Шайдуллоҳ қушларга ин ясашни яхшилаб ўрганиб олди. Ҳам устоз, ҳам бобо бўлмиш Хайруллоҳ ота унга фотиҳа берадиган бўлди. Камтаргина маросимга адаси, амакилари таклиф қилинди. Бобо набирасига ёғочга ишлов берадиган жажжи дастгоҳ совға қил-

ди. Қўлига меҳнат ҳақинг деб озроқ пул ҳам берди ва: “Аллоҳ қўлласин, ҳалол пешона тери билан топади-ганлардан қилсин”, деб дуо қилди.

Амакилари ҳам жиянни табриклашди. Шунда бирлари ундан сўраб қолди:

— Хўш, жиян, биринчи маошинг муборак бўлсин. Бу пулга нима олмоқчисан энди?

Шайдуллоҳ қувончдан юзлари порлаб, бир қўлидаги пулга, бир даврадагиларга қараб:

— Худо хоҳласа, адам билан ойимга ҳовли обераман! — деди болаларча самимият билан.

Амакилари қулиб юборишди.

— Ҳовли оламан дегин...

— Оббо сен-эй.

— Янги ҳовли муборак бўлсин, — деб Файбуллоҳга қарашди.

— Уй тўйи қачон?

Яна кулги кўтарилди. Ота томоқ қириб, дардли йўталди. Ўғиллар хўшёр тортиб, кулгудан тўхташди ва оталарининг юзига боқишди.

— Гап шу, — деди ота жиддий тусга кириб, — эртага ҳамманг топган-туганининг обкеласан, Файбуллоҳга ҳовли оберамиз, гап тамом вассалом!

Шундай қилиб, боланинг таваккал айтиб юборган гапи чинга айланди.

Зеро, бандаларининг қулфи дили Яратганнинг измидадир, уни қандай қилиб очиб юборишни Ўзигина билади.



# “АЗҲАР” — “ГУЛЛАР” ДЕГАНИ



Дунёда Ал-Азҳар жомеъаси (дорилфунуни) ҳақида эшитмаган киши топилмаса керак. Топилса, у тарихдан беҳабар, маданиятдан орқада қолган киши бўлади. Бу жомеъа фақатгина Мисрда эмас, Ислом дунёсидagina эмас, бутун ер юзидаги энг катта, энг кекса, энг машҳур, энг салоҳиятли ўқув юртларидан ҳисобланади. Тарихчилар уни Мисрнинг таниқли фотиҳларидан Ал-Муъиз Динуллоҳ ал-Фотимий даврида қурилганини ёзишади. Фотимийлардан Мисрни фатҳ этган машҳур саркарда Жавҳар Сақалий ҳижрий 358 (милодий 969) йили Қоҳира шаҳрини бунёд этишга киришар экан, аввало, йирик бир мас-

жид қуришни режалайди Орадан уч йил ўтиб, ҳижрий 361 йилнинг еттинчи рамазон куни масжидда илк бор намоз ўқилди. У пайтларда алоҳида дорилфунунлар бўлмагани учун илмтаълим ишлари масжидларнинг ўзида олиб борилган. 365 йили мазҳаббошимиз Абу Ҳанифанинг ўғиллари Абул Ҳасан Али ибн Нўъмон Қайрувоний Ислом уламоларининг яқдил қарорига кўра, бу ерда бош қози вазифасига сайланган.

Жомеъанинг номи ҳақида турлича фикр мавжуд. “Азҳар” сўзи арабчада “гуллар”, “гуллаган” маъноларини англатгани учун баъзилар, у янги қурилганида атрофи гуллар билан ўралган эди, дейишади. Айримлар эса, илмнинг гуллари тўплангани учун (ёки илм-фан гуллаб-яшнаши ниятида) шундай номланган, деган фаразни илгари суришади. Бошқалари “азҳар”нинг муаннас шакли “заҳро” бўлганидан Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қизлари Фотима аз-Заҳрога нисбат бериб шуном билан аталган, деб ҳисоблашади.

Ал-Азҳар ўз тарихида парвоз ва

инқироз даврларини бошдан кечирди. У дорилфунунга айланган пайтда учта бўлим — дин асллари, шариат ва қонун, араб тили бўлимлари бор эди. У фотимийлар салтанатининг илмий, маданий, маърифий марказига айланди. Қозиларнинг маслаҳат-мажлислари шу ерда ўтар, шаръий масалалар ҳал этилар, ҳатто халифаликда йиғиладиган солиқларнинг ҳисоб-китоби ҳам жомеъада олиб борилар эди. Бағдод халифалиги, Андалус (Испания) салтанати урушлар туфайли таназулга учраганида Ал-Азҳар бутун Ислом дунёси учун улкан дорилфунун, фан ва маданият ўчоғи бўлиб турди. Аййубийларнинг деярли бир асрлик ҳукмронлиги даврида жомеъада кўпроқ дин, адабиёт, тилшунослик ўқитиладиган бўлди.

Мамлуклар даврида (1250-1517) Бағдод халифалигини мўғул истилочлари босиб олгач, Миср қувғин бўлган олимларга бошпана берди. Минглаб машҳур уламолар Ал-Азҳарда фаолиятларини давом эттириб, унинг шуҳратини оламга ёйдилар. Бу пайтда жомеъада тиббиёт, риёзиёт, фалакшунослик, жуғрофия, табиёт, тарих каби фанларни ўрганиш ҳам анча ривожланди. Халифалик турклар кўлига ўтганидан кейин ҳам Ал-Азҳарнинг иқтисодий ва илмий жиҳатдан дахлсиз ва эркинлиги таъминланди. Ҳатто 1789 йилда Мисрни забт этган Фарангистон





императури Наполеун Бонапарт ҳам Ал-Азҳарнинг халқаро обрўйини тан олиб, унга иззат-хурмат билан қаради ва ўз хотираларида жомеъани Сорбонна дорилфунунига таққослади. У ўқув даргоҳи ва олимларнинг обрў ва шуҳратларидан ўзининг мустамлакачилик сиёсатида фойдаланмоқчи бўлган эди. Аммо Ал-Азҳар фаранг босқинчиларига қарши миллий-озодлик ҳаракатининг ўчоғига айланди.

Миср фаранглардан мустақилликка эришгач, янги ҳукумат биринчи кунларданоқ Ал-Азҳарни ривожлантиришга эътибор бера бошлади. 1961 йили махсус қонун билан жомеъада дунёвий илмлар мутахассисларини ҳам тайёрлаш мақсадида уч бўлим ёнига янгидан тиббиёт, ҳандаса (муҳандислик), зироат (қишлоқ хўжалиги), тижорат каби бўлимлар очилди. Табобат, инсоншунослик, араб тили ва адабиёти бўлимларига хотин-қизлар ҳам ўқишга қабул қилинадиган бўлди. Аммо бу дорилфунуннинг бошқаларидан фарқи шуки, унда барча илмлар диний таълим билан қўшиб олиб борилди, талабаларнинг руҳий оламига кўпроқ аҳамият берилди.

Бугунги кунда Ал-Азҳарни улкан билимлар мамлакатига қиёслаш мумкин. Мамлакатнинг ҳамма вилоятларида ва пойтахт Қоҳира шаҳрида жомеъанинг боғча-мактаблари, коллеж ва маъҳадлари ишлаб турибди. Ҳозирда Ал-Азҳарнинг барча шохобчаларида таълим олаётганларнинг умумий сони бир миллиён кишига етган. Жомеъа қошидаги бўлимлар сони қирқ тўққизтадир. Биргина Қоҳиранинг ўзида ўғил болалар таълим оладиган ўн бешта, қиз болалар учун эса еттита бўлим бор. Даманхур, Зақозик, Асют, Танта, Мансура, Искандарийя, Асвон, Қино, Шибийн, Кувм, Димёт, Жаржо, Дақҳалийя каби ви-

лоятларда ўғил болалар учун йигирма тўртта, қизлар учун тўртта бўлим ишлаб турибди.

Дорилфунунни Олий кенгаш, жомеъа бошқарувчиси (ректори), унинг муовини ва бош котиблар бошқаришади. Жомеъанинг шайхи мамлакат миқёсида нуфузли диний раҳбар саналади. Исломга доир шаръий ва эътиқодий масалаларда унинг фикри билан ҳатто хорижий ўлкаларда ҳам ҳисоблашишади.

Дорилфунунда бугунги кунда олти мингдан зиёд уламо ва мударрис сабоқ беради. Уларнинг сони 1975 йили 2081, 1992 йили эса 5555 нафар бўлган эди. Олий маълумот дипломини олиш учун 1992 йили 82.500 талаба таҳсил олган бўлса, магистратурадагилар адади 1381 нафарга етган. Бу ерда йилига етти-тўққиз минг хорижлик талаба билим олади. 1975-1992 йилларда уларнинг умумий сони 39.700 дан ошиб кетган. Улар орасида Ўзбекистондан борган кўпгина йигит-қизлар ҳам бор. Ислом оламининг машҳур олимлари Муҳаммад Ғаззолий, Юсуф Қарзавий, Мутавалли Шаъровий кабилар Ал-Азҳарнинг талабалари бўлишган.

Ал-Азҳар жомеъасида, шунингдек, кўплаб илмий-тадқиқот марказлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Халқаро Ислом маркази, Тижорат, Кардиожарроҳлик, Асаб фаолиятини ўрганиш, Оналик ва болалик, Табобат, Аёллар саломатлиги, Вирусшунослик, Чўл зироати, Ғаллачиликни ҳимоя қилиш илмий марказларининг фаолияти Фарб мамлакатларида ҳам эътироф этилади.

Аллоҳ таоло ҳар бир мусулмонга илм олмоқни фарз қилган, унинг қалбини илм ва ҳикмат макони қилиб яратган. Ал-Азҳар жомеъасида ҳам ёшларга Аллоҳнинг динини ва илмини танитиш соҳасида катта илмий-тадқиқотлар олиб бориляпти. Исломий илмларни ўрганаётган минглаб ёшлар орасида ўзбекистонлик толиби илмларнинг борлиги ҳам қувонтиради. Бир вақтлар улуг ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний “Миқёси Нил” асбобини ясаб, мисрликларга Нил суви миқдорини аниқлашни ўргатган бўлса, бугун Ал-Азҳар уламолари ана шу илмий қарзни узишяпти.

**Аҳмад МУҲАММАД**



### Советлар давридаги изланишлар

Коммунистлар, мафкуралари талабига кўра, ҳамиша динга қарши кураш олиб боришди ва турли метафизик “хурофот”лардан холи, илмий атеизмга ишонган “совет кишиси”ни тарбиялашни мақсад қилиб олишди. Болшевиклар 1917 йилдан туркий ҳудудларни ҳукмронликлари остига олгач, бошқа динлар қатори Исломга ҳам уруш очишди. Бунда диннинг манбаи бўлган Қуръони каримга кўз тикиб, ҳар томонлама уни танқид қилишга киришишди. Русларнинг ва туркий миллатларнинг динсиз қисмига таянган ҳолда Қуръонга икки томондан ҳужум бошлашди: Қуръоннинг илоҳийлигини (ваҳий билан тушганини) инкор этишди ва у қамраб олган масалаларни танқид қилишди.



ментария” китоби ҳозиргача русчага ағдарилган таржималарнинг энг яхшиси деб эътироф этилиб, 1983, 1990 йиллари қайта босиб чиқарилди. Крачковскийнинг шогирдларидан К. Кашталева 1928 йили СССР Фанлар академиясига тақдим этган “Терминология Корана в новом освещении” асарида Қуръонни “жамоа бўлиб ёзиш” натижасида юзага келган, деб туҳмат қилди.<sup>20</sup>

СССРда Қуръон бўйича изланиш олиб борган Л.Климовичнинг “Коран и его догмат”<sup>21</sup> номли асари ўша йилиёқ “Қуръон ва унинг ақидалари” номи билан<sup>22</sup> ўзбек тилига ўгирилди. Муаллиф бу ишида Қуръонга марксча ёндашиб ва йўлбошчилари изидан бориб, Қуръон матни тарих давомида ўзгаришларга учраган, деб даъво қилди. Унга кўра, бугунги мавжуд энг эски Қуръ-

Доктор Сайфиддин ЭРШОҲИН

## СОБИҚ ИТТИФОҚДА

Советлар ҳукмронлиги даврида Қуръонга қарши қаратилган илк асар М. Рейснернинг 1926 йили нашр этилган “Идеология Корана” мақоласи бўлди. Муаллиф бу мақоласида Қуръонни “Макка ва Мадина буржуйларининг мафкураси” деб атади. Унга кўра, Қуръон ҳоким табақалар вакиллари химоя қилиш ва қуйи, эзилган табақаларни бундан чалғитиш учун юзага келганмиш.<sup>16</sup> Айни шу муаллиф мавзу билан боғлиқ фикрларини кейинчалик “Коран и его социальная идеология” номли мақоласида янада бўрттириб такрорлаган.<sup>17</sup>

Бу даврда Қуръон ҳақида жиддий изланишлар олиб олиб борган олимларнинг энг эътиборлиси И. Крачковский (1883-1951) бўлди. Аммо у ҳам мавзуга холис ёндашмади ва, Қуръон бугун ишонилаётган ва амал қилинаётган Ислом динини тўла шакллантирмаган, деб даъво қилди. У 1918 йили бу хусусда шундай деб ёзди: “Ислом динини таъриф этишда ва тушунишда фақатгина Қуръонни асос деб олиш катта хатодир. Қуръон Ислом дини пайдо бўлишининг илк йигирма йилини қамрайди, холос”.<sup>18</sup> Унинг Қуръон ҳақидаги “Русский перевод Корана в рукописи XVII века” номли яна бир рисоласи 1934 йили нашр этилди.<sup>19</sup> Крачковскийнинг арабчадан ўгирган ва ўлимидан сўнг 1963 йили чоп этилган “Коран. Перевод и ком-

он нусхалари еттинчи аср охири ва саккизинчи аср бошларига оид эмиш. Қуръон матнига энг катта аралашув “нуқталаш” ва “ҳаракатлаш” вақтида содир бўлган, Ҳазрати Усмон мусхафидаги қон доғлари эса халифалар ва феодалларнинг улулар ва авлиёларга сиғиниш ақидасининг бир кўринишидир<sup>23</sup>, дейди. Климович ўз китобида Қуръон ҳукмрон табақанинг манфаатларини шаръийлаштириш учун юзага келган, масалан, охираат ақидаси текин даромад олувчи катталарни химоялаш учундир, деган сафсата илгари суради.<sup>24</sup> У ўзининг бу асарини кейинчалик “Книга о Коране” номи билан янада бўрттириброк нашр эттирди. Китоб қозоқ тилига ҳам ўгирилди.<sup>25</sup>

### Туркий халқлар

#### коммунистларининг қарашлари

Рус коммунистларининг юқорида тилга олинган изланишларини туркий миллат коммунистлари яна “қойиллатиб” давом эттирганларини кузатиш мумкин. Бу соҳада Қозон татарлари айниқса пешқадамлик қилишган. Туркий миллат коммунистларининг дин соҳасидаги тадқиқотларини ўрганиб чиқиш анча қийин ва кўп вақт талаб этади. Шунинг учун Советлар даврининг илк босқичларида туркий жумҳуриятлардан уч-

таси мисолида чоп этилган адабиётларни таҳлил этиш ва хулосага келиш билан мавзуну ёритишга ҳаракат қиламиз.

**Татаристон.** Қозон татарларидан С. Бекбўлат “Исломнинг пайдо бўлиши ва унинг синфий қиёфаси”<sup>26</sup> номли мақоласида Ислом динининг пайдо бўлиши, Қуръон ва унинг муҳтовияти ҳақида баҳс юритади. У Қуръонни фақатгина ҳазрати Муҳаммаднинг (с.а.в.) асари деб туҳмат қилиш билан кифояланмай, балки замоннинг ва минтақа маданиятининг намунаси, деб даъво қилди. Унинг фикрича, охират ҳаётини тушунтирган маккий суралар жоҳилият замонидаги араб шеъриятининг бир бўлаги эмиш. Уларнинг ёнида аввалги қавмлар ва пайғамбарлар қиссалари эса Ўрта Шарқ динларидан олинган эмиш.<sup>27</sup> Қуръоннинг илоҳийлиги ҳақида шунақа фаразга эга бўлган Бекбўлат ваҳий масаласига ўзича бир янгича “талқин” беришга уринди. Унинг даъвосича, 1917 йилги Октябр инқилобига қадар Ислом дунёсида ва Оврупада ваҳий мавзуси илмий жиҳатдан ўрганилмаган. Мусулмонлар Ҳазрати Муҳаммаднинг (с.а.в.) Аллоҳдан Жаброил фаришта орқали Қуръонни олганига ишонсалар-да, ов-

дан нарига ўта олмади ва ёлғон даъвосини исботлашга уринди.<sup>29</sup> Бекбўлат бу билан кифояланмай, Ҳиро ғоридаги илк ваҳий нозил бўлишини ва Меърож воқеасини ҳам туш деб қўя қолади.<sup>30</sup>

Унинг хулосаси ҳам шунга яраша: Муҳаммаднинг (с.а.в.) ваҳий олиши — тушдир. Аслида “тушиш”, “тушириш” маъносига “нузул” ва “инзол” Аллоҳдан ёки осмондан тушишни эмас, балки тушунчаларнинг ақлга, кўнгилга ва бошга тушишини англатади. Бу ғайриоддий иш эмас, балки ҳар ким тўқнашадиган, хоссатан шоирлар, санъаткорлар, файласуфлар илҳом билан асар ёзганига ўхшаш бир ҳолатдир...<sup>31</sup> Хулласи, Муҳаммад (с.а.в.) арабларни марказий бир бошқарув остига тўплаш, Қурайшнинг тижорий манфаатларини ҳимоя қилиш, бошқача айтганда, араб тижорат капитализми мафқураси ўлароқ Қуръонни ёзган<sup>32</sup>, дейди.

**Ўзбекистон.** Ўлка коммунистларидан Рашид Хон “Қуръоннинг ёзилиш ҳам тўпланиш тарихидан”<sup>33</sup> мақоласида ўзбек даҳрийларининг Қуръонга муносабатини баён қилган. У Қуръонни куйидаги беш жиҳатдан танқид қилиб, уни ишониб, суяниб бўлмайдиган қийматсиз бир китоб

## ҚУРЪОН ТАДҚИҚОТЛАРИ

рупаликлар буну Муҳаммаднинг (с.а.в.) руҳий хасталиги билан изоҳлаганлар...<sup>28</sup>

Бекбулат оврупалик шарқшуносларнинг бу ёндашув ва изоҳлари илмий асосдан узоқдалигини, бунга очиқ далил Қуръоннинг ўзи эканини, ундаги мантиқий қурилиш, мавзуларнинг ижтимоий ва руҳий шартлар билан ўртага қўйилиши, унинг ҳажми бундай китобнинг хаста руҳ ва хаста мия маҳсули бўлмаганини тан олади. Аммо у ҳам ваҳийни “туш” ва “илҳом” деб изоҳлаш-

деб кўрсатмоқчи бўлади:

1. “Ваҳий” дейилган бир устунлик йўқ. Рашид Хоннинг фикрича, метафизик оламдан маълумот ёки овоз келишини илмий жиҳатдан қабул қилиб бўлмайди. Шу билан бирга, мусулмонларнинг ваҳий деб даъво қилган нарсаларга шайтон ҳам аралашмоқда, у ҳам ваҳий қилмоқда.<sup>34</sup>

2. *Қуръон Муҳаммаднинг оғзидан чиққанидай ёзилмаган.* Ваҳий китобларини билганларича ва хоҳлаганларича ёзишган. Абдуллоҳ ибн Саъд ибн

<sup>16</sup>Смирнов, 46-47.

<sup>17</sup>Смирнов, 77-бет.

<sup>18</sup>Нигмон Аширов, “Мусулманская проповед”, Масков, 1978 йил, 4-бет.

<sup>19</sup>Смирнов, 77-бет.

<sup>20</sup>Смирнов, 77-бет.

<sup>21</sup>Олмаота, 1958.

<sup>22</sup>Тарж. А. Боишев, Тошкент, 1958.

<sup>23</sup>Климович, “Қуръон ва унинг ақидалари”, 6—7-бетлар.

<sup>24</sup>Климович, “Қуръон ва унинг ақидалари” 34—40-бетлар, Масков, 1968.

<sup>25</sup>Олмаота. 1990 йил, Таржимон Анабой Аралбеков.

<sup>26</sup>Авалло, Қозонда “Аллоҳсиз” журналида чиққан бу мақола ўзбекчага ўгирилиб Ўзбекистон ССР Аллоҳсизлар бирлигининг нашри бўлган “Худосизлар” журналида (1929/2-3) чоп этилган.

<sup>27</sup>Бекпўлат, 1929/2, 36—38-бетлар.

<sup>28</sup>Бекпўлат, 1929/3, 8—9-бетлар.

<sup>29</sup>Бухорий, “Бадиул ваҳий”, 3-рақамли ҳадис.

<sup>30</sup>Бекпўлат, 1929/3, 10-бет.

<sup>31</sup>Бекпўлат, 1929/3, 11-бет.

<sup>32</sup>Бекпўлат, 1929/3, 12-бет.

<sup>33</sup>Бу мақола Қозон татарларидан Н. Эсонбетнинг “Исломнинг дунёқарашлари” китобидан фойдаланилиб тайёрланган. “Худосизлар” журнали, 1928/2.

<sup>34</sup>Ҳаж сурасининг 52-оятини мазмун шундай: “(Эй Муҳаммад), Сиз сиздан илгари юборган ҳар бир элчи ва пайгамбар борки, қачон (улардан биронтаси ўзига нозил бўлган оятларни) қироат қилса, шайтон унинг қироатига (оятда бўлмаган нарсаларни) ташлагандир. Бас, Аллоҳ шайтон ташлайдиган нарсани бекор қилур. Сўнгра Аллоҳ Ўз оятларини мустаҳкам қилур. Аллоҳ илм ва ҳикмат эгасидир”.

Абу Сарҳ ҳақидаги баҳс бунинг энг очиқ далилидир.<sup>35</sup>

3. Қуръон Муҳаммаднинг вафотидан анча кейин ёзилган ва китоб ҳолига келтирилган. Шу сабабли бошқа дин китоблари каби Қуръон ҳам бузилишларга юз тутди. Ямома урушидан кўп сонли саҳобаларини йўқотган Абу Бакр Зайд ибн Собит бошчилигида бир ҳайъат тузиб, Қуръоннинг расмий нусхасини ёздиргач, қолган нусхаларни ёқтириб юборди. Рашид Хоннинг даъвосича, расмий нусхалар ҳам урушда йўқолиб кетган. Халифа Марвон замонида ёд олганлардан янгидан ҳаракатли қилиб ёзилган, ҳошимийлар тарафидан ўртага чиққан Қуръон душман қабила — умавийлар қўлига ўтди. Усмон ва кейинроқ мусулмонларга бош бўлган умавийлар ўзларига мақбул бўлмаган оят ва сураларни Қуръондан чиқариб ташлаб, ўзларига мос оятларни киритганлар. Бунга мисол тариқасида зинкор оилалаи аёл ва эркаларни тошбўрон қилишни амр этган оятларни олиб ташланиши, тавба сураси ҳажмидаги бир суранинг ташқарида қолиши кўрсатилган.<sup>36</sup>

4. Қуръонда қарама-қаршиликлар бор, асосан бир юз элликтагача аҳком оятлари бир-бирини кучдан қолдиради. Мусулмонларнинг бу нарсани “наسخ” назарияси билан изоҳлашлари беҳудади.<sup>37</sup>

5. Қуръонда Муҳаммаднинг сўзидан бошқа сўзлар ҳам бор. Масалан пайгамбарлар қиссалари батамом Таврот ва Инжилдан олинган, баъзи аҳком оятлари ҳам ўша китоблардан қисқартириб кўчирилган.<sup>38</sup>

Ўз қарашлари билан Қуръоннинг илоҳийлиги шубҳали деб ўртага ташлаган Рашид Хон ҳам бошқа коммунистлар каби уни бир мафкура китоби дейишдан нарига ўтолмади.<sup>39</sup> Рашид Хондан кейин кўп йиллар ўтиб, 1963 йили “Қуръон ҳақида танқидий мулоҳазалар” китобини<sup>40</sup> ёзган Абдурахмон Орипов ҳам Рашид Хон фикр ва даъволаридан узоққа кетолмади.

**Озарбайжон.** Озар коммунистларидан М. Муҳаммедов “Ислом”<sup>41</sup> асарининг бир бўлаги Қуръонга бағишланган. Мазкур бўлим “Қуръон мафкураси Макка тижорати ва аслзодалари мафкурасидир” деб номланишининг ўзиёқ муаллифнинг мавзуга қанчалик “ҳолис” ёндашгани ва “дарди” нима эканини кўрсатиб турибди. Муҳаммедовнинг фикрича, “Қуръон муайян сиёсий гуруҳларнинг, Макка тижорат буржуазияси ва оқсуяқларининг маҳсулидан иборатдир. Қуръон уларнинг синфий манфаати ва орзуларини ёқлаган мажмуадан бошқа нарса эмас.<sup>42</sup> Қурайш аслзодаларининг вакили бўлган Усмон ўз гуруҳининг сиёсий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун Қуръонни янгидан ёзган.<sup>43</sup>

Шўролар замонининг илк пайтида бўлгани каби бундай асарлар бутун давр мобайнида такрорланиб келди.<sup>44</sup> Ўз тарбиятига кўра авторитар,

ҳукмрон ва даҳрий бўлган марксча-ленинча мафкурани “расмий дин” ҳолига келтирган Совет Иттифоқида коммунистларнинг Қуръонга қарши ҳужум ва танқидларига жавоб бериш, раддия ёзишга мусулмонларга асло рухсат ва имкон берилмас эди. Ўлкадаги Исломий этиқодни ҳимоя қилишга қодир мусулмон уламолар бу соҳада турли йўл ва имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилишди. Совет даврида Қуръон, ваҳий, Қуръоннинг жамланиши, ёзилиши, кўпайтирилиши ва дунёга тарқатилиши мавзуда тилга олишга арзийдиган фақат битта китоб ёзилди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси ноиби шайх Исмоил Маҳдум Саттиев “Тарихул Мушҳафил Усмоний фи Тошканд”<sup>45</sup> номли асарига Тошкентдаги Қуръон нусхасининг Ҳазрати Усмонга (р.а.) оид эканини исбот қиларкан, Қуръоннинг ваҳий қилиниши, ёзилиши, жамланиши ва мушҳаф ҳолида кўпайтирилишини батафсил тушунтирди. Аммо мазкур олим ҳам асарига коммунистларнинг ёзганларини бевосита ёки ишорат маъносида танқид қилиш ва жавоб бериш усули ҳамда йўллари кўрсатмаган.

Хуллас, собиқ Иттифоқдаги Қуръони карим ҳақидаги тадқиқотлар муаллифларнинг асосий ғояси бўлган марксизм ва даҳрийлик метафизик борлиқнинг мавжудлиги тан олмагани ва Қуръоннинг Аллоҳ томонидан ваҳий қилинганини рад этгани учун ҳам уларнинг изланишлари ноҳолис, ишонарсиз бўлди. Улар Қуръонни юқори табақаларнинг мафкура китоби деб асосиз танқид қилишдан нарига ўтолмадилар. Бу эса кўп ҳолларда Чор замонидаги насронийлик таассуби билан қилинган тадқиқотларга тўла мос тушар эди.

**Олимжон РАҲИМЖОН ўғли**  
*таржумаси*

<sup>35</sup>Рашид Хон, 17—18-бет.

<sup>36</sup>Рашид Хон, 17—18-бет.

<sup>37</sup>Рашид Хон, “Қуръоннинг ёзилиш ҳам тўпланиш тарихидан”, “Худосизлар” журн., 1928/3, 12-бет.

<sup>38</sup>Рашид Хон, 13-бет.

<sup>39</sup>Рашид Хон, 17-бет.

<sup>40</sup>Ўзбекистон ССР Билим жамияти нашрлари, Тошкент, 1963 йил.

<sup>41</sup>Боку, 1933 йил.

<sup>42</sup>Муҳаммедов, 29-бет.

<sup>43</sup>Муҳаммедов, 30-бет.

<sup>44</sup>Қаранг: «Атеистик энтсиклопедик луғат», “Қуръон” банди. Тошкент, 1988 йил, 460—462-бетлар.

<sup>45</sup>Тошкент, 1391/1971 йил. Ҳазрат Усмон (р.а.) мушҳафи экани маълум бўлган ва Темур томонидан Самарқандга келтирилган ўша мушҳафни рус генерали Кауфман 1869 йилда Самарқанддан Санкт Петербуртга олиб кетади. Кейинчалик бу мушҳаф 1917 йил Ўктябр тўнтаришидан сўнгра татар мусулмонларига берилган. 1924 йил 18 августда Тошкентга келтирилган.

# ЙИҒЛАШ ҲАМ САОДАТ ЭКАН

Инсон қачон йиғлайди? Кимдир мусибатдан, кимдир хурсандликдан, яна кимдир... Йиғига турли нарса сабаб бўлиши мумкин. Одатда, йигитлар (умуман, эркак кишилар) йиғлашмайди. Кўпчилик назарида бу уят, ожизлик белгиси. Рост, эркак кишига бўлар-бўлмас йиғи ярашмайди. Аммо...

Аллоҳ учун тўкилган кўзёш ҳаммага ярашади. Улуғ Рабнинг раҳматидан умид қилиб, ғазабидан қўрқиб йиғлаган бандаларнинг нолаю илтижола-ри, иншааллоҳ, қутлуғ даргоҳда қабул бўлгай.

Шундай деяпман-ку, ўзимдан уялиб кетяпман. Бирор марта чин дилдан Аллоҳ учун йиғладимми?! Ғазабидан қўрқиб раҳматидан умидвор бўлиб (ахир, гуноҳларим кўп-ку!) кўзёш тўқдимми?! Эсламайман, эслаёл-маяпман...

Жоним оғриди, чидаёлмадим — йиғладим.

Мол-дунё дардида йиғладим.

Кўп нарса йўқотдим — йиғладим.

Баъзан алдашди — йиғладим.

Устимдан кулишди — йиғладим.

Наҳот, фақат ўткинчи нарсалар туфайли йиғлаган бўлсам?

Нега гуноҳларим учун кўзёш тўқмадим? Қалбим шунчалар ҳам қорайиб кетганми? Тўғри Буюк Раббимиз бандасининг кўзёшига муҳтож эмас. Аммо йиғласак, кўзёшларимиз гуноҳларимизга каффорат бўлар, қалбимиз доғларини ювар эҳтимол. Мен қалбим тошга айланиб бораётганини тушундим...

Муборак Рамазон кунларида имкон қадар таровиҳ намозига қатнадим. Хожа Аҳрор Валий масжиди ўша кунлари жуда гавжум бўлади. Бир куни имом қироати одатдагидан таъсирлироқ чиқди шекилли, деярли ҳамма йиғлади. Имомнинг ўзи ҳам. Ниятлар, илтижолар қилинди. Лекин... қанча ҳаракат қилмай, ҳайҳот, кўзимдан ёш чиқмади. Қалтираяпман. Нималардир дегим келяпти. Аммо тилим калимага келмаяпти. Тузукроқ ният ҳам қилолмайман. Ожизман, ожизман, ожизман!.. Ёнгинамда бир ёш бола. У ҳам йиғлади...

Ўша куни ухлай олмадим. Ўйлаб қарасам, ҳар доим ибодатдан сўнг ўзимча нималарнидир Аллоҳдан сўрар эканман-у, чин дилдан илтижо қилмасканман. Гуноҳкор бир банда эканимни ҳам эсламабман, фақат сўрар эканман, холос... Энди тушуниб етдим. Йиғлаш ҳам Аллоҳ берадиган саодат экан. Айниқса, кўнгил ўз эгаси учун йиғласа...

\* \* \*

Бунда вужуд билан ишим йўқ менинг,  
Қанот қидираман руҳим қушига.  
Ёлғонларга асло ҳушим йўқ менинг,  
Нолам етгаймикин Раббим қошига?

Дуолар чиройли, ниятлар гўзал,  
Ўзини таниган Ҳақни танийди.  
Муомала гўзал, сувратлар гўзал,  
Қалбимиз ҳам гўзал бўлса қанийди.

Бир ожиз бандаман, гуноҳларим кўп,  
Ўйларим бағримни тиглаб юборди.  
Бугун ҳаммамизнинг дардимиз битта,  
Кимдир кўнгли тўлди, йиғлаб юборди.

Кўп хато қилганман, гуноҳим бисёр,  
Аллоҳим, қалбимни юмшатиб юбор!..

Шу пайт бир томчи кўзёши юзимга тушганини сезиб қолдим. Сўнгра қуйилиб кела бошлади. Шу қадар беғубор... умримда бундай кўзёш тўқмаган бўлсам керак. Ё Раббим, мен йиғляяпман, Ўзингга шукр, мен йиғляяпман...

**Беҳзод ФАЗЛИДДИН**



Исмоил МАҲМУД

## Маъни ичра дур топурсан

### Меҳру мурувватдин топар

Ҳар киши кўнгил шифосин  
меҳру мурувватдин топар,  
Қалбга ҳамдардлик сафосин  
меҳру мурувватдин топар.  
Бирга ўн бергайдур Аллоҳ  
қилса ким эҳсон агар,  
Ул қиёматлик ғизосин  
меҳру мурувватдин топар.  
Муҳтожу мўминга ёрдам  
этса ким ихлос билан,  
Охираат йўли зиёсин  
меҳру мурувватдин топар.  
Ким савоб ишларга  
дохил айлади имконини,  
Фазлию нашъу намосин  
меҳру мурувватдин топар.  
Аҳли комиллар билан  
дил яшнагай, топғай камол,  
Элу юрт қилгай дуосин,  
меҳру мурувватдин топар.  
Икки дунёсини обод  
айламак мардлар иши,  
Охираат бахти бақосин  
меҳру мурувватдин топар.  
Пиру устозлар йўлидир  
Ҳақ йўли, Исмоилий,  
Яхшилар Ҳақнинг ризосин  
меҳру мурувватдин топар.

### Даркор сукут

Аҳли диллар бирла суҳбат  
қилсангиз даркор сукут,  
Кўп улуғ ҳикмат топурсиз  
эсангиз такрор сукут.  
Ишқ ила қалб риштаси  
топғай ўзини беҳато,  
Ўзидин кўнгилни огоҳ  
этгучи бедор сукут.



Аҳли донишлар масофа  
билмағай очун аро,  
Ҳол бирлан, бас, аён  
этгай ўзин бемор сукут.  
Ким мулоқот айласа,  
топғай шараф руҳ ичраким,  
Ўзидин ортиқча сўзни  
айлагай инкор сукут.  
Тинглагучи қалбга роҳат  
ҳам фароғат бахш этар,  
Ким азизларни зиёда  
айлагай хушдор, сукут.  
Бесукут сўз очди кимки,  
асли нодон шу эрур,  
Бундаин касларга доим  
муддаий, агёру сукут.  
Сўзни кўнгил ичра тут,  
Исмоилий, хислат билан,  
Маъни ичра дур топурсан,  
истабон дийдор, сукут.

### Билгил, ҳаё имондадур

Эй кўнгил, ҳаддингда тур,  
билгил, ҳаё имондадур,  
Жон қуши — руҳга фароғат  
шу гўзал имкондадур.  
Ким ибодатлар ила  
этгай ҳаётин файзиёб,  
Йўли анинг олиймақом,  
ажри анинг осмондадур  
Ҳаққа дўстлик риштасин  
топди жаноби Мустафо,  
Мўмину муслимга ибрат  
шу набий Султондадур.  
Оҳ, Худонинг дўстлари  
ҳақдин ҳаё ичра турур,  
Бокира, ғоят афифа  
ким салим гирёндадур.  
Аҳли комиллар фасоҳат  
ичра топғай умрини,  
Ибтидоси, интиҳоси,  
бил, асл фармондадур.  
Охираат кўнглида ортгай  
ким ҳаёдин, эй рафиқ,  
Жаннат ул маъво ғизоси  
сарвари эҳсондадур.  
Ҳақ ризоси бирла иш  
тут ҳар нафас, Исмоилий,  
Демасин ҳеч ким сани:  
“Бу беҳаё майдондадур”.

# Бағрикенг дунёнинг ортар соғинчи

Китоб шахридаги “Хўжа Бухорий” Ислом ўрта-махсус  
билим юрти талабалари, мударрислари ижодидан

## Ўзинг паноҳ бўлгин



Алдов тўри ичра ночор қолсам гар,  
Қалбга томса иғво-макрдан захар.  
Ғам-қайғу тошлари қаддим буккан ҳар  
Онда паноҳ бўлгин, Аллоҳим!

Ер қаттиқ, осмон олис бўлган ҳам,  
Дил хазондек қовжираса — сўлса ҳам,  
Рақиб шайтон янглиғ қаҳ-қаҳ урса ҳам,  
Ўзинг паноҳ бўлгин, Аллоҳим!

Саратонда юрак музлаганида,  
Соқов тўрга ўтиб, сўзлаганида,  
Муттаҳамлар ҳаққим кўзлаганида  
Ўзинг паноҳ бўлгин, Аллоҳим!

Баъзан ожиз қолиб, ҳамдард изладим,  
Дардга дармон топмай, ўксик сўзладим,  
Мадад бергин дея Сенга бўзладим,  
Ўзинг паноҳ бўлгин, Аллоҳим!

Хоин мард бўлолмас, юртин ҳам сотар,  
Фоний умр сувдек тез оқиб ўтар,  
Барчани қиёмат синови кутар,  
Ўзинг паноҳ бергин, Аллоҳим!

**Ҳикматулла САМАДОВ,**  
мударрис

## Ўзбек байроғи

Аллоҳим, халқимга бергил офият,  
Дилларга имону ихлос — ҳидоят.  
Имонли эр элга қилмас хиёнат,  
Жаҳон узра ҳилпирайвер, ўзбек байроғи!

Меҳр ила мушфиқлар бошин силаган,  
Авлодларга илму ирфон тилаган  
Аллодалар ўтди олам сийлаган  
Жаҳон узра ҳилпирайвер, ўзбек байроғи!



Азалдан оппоқ ранг поклик тимсоли,  
Миллатим қалбидир бунинг мисоли,  
Тутмасин қалбларни диннинг уволи,  
Жаҳон узра ҳилпирайвер, ўзбек байроғи!

Она юртим, осмонинг мусаффо бўлсин,  
Халқим танлаган йўл нурларга тўлсин,  
Ҳар дилда ҳурликнинг баҳори кулсин,  
Жаҳон узра ҳилпирайвер, ўзбек байроғи!

Ўзбекистон — ота макон, улуғ имкон,  
Юрагимнинг тўлқинига тўлсин осмон,  
Камалакдай юксакларда ургил жавлон,  
Жаҳон узра ҳилпирайвер, ўзбек байроғи!

**Шукрулло УМАРОВ,**  
мударрис

## Кўриниш

Ногоҳ бир мўралаб, жилмаяр қуёш,  
Ёмғирдан сўнг яшнаб кетади дала.  
Бағрикенг дунёнинг ортар соғинчи,  
Қирларда чақнаган юлдузми, лола?

Сойларда сел шашти — шовуллаб оқар,  
Гул ҳидидан сармаст учар капалак.  
Қоқигул йўлларга бир маънос боқар,  
Манзилга етолмай хонқизи ҳалак.

Чанқабми сой томон физиллар ари,  
Бақа ашулачи, чумоли ишда.  
Хаёл капалакдай чарх урган сари  
Недир кам туюлар бу кўринишда...

**Абдувоҳид ЎРОЗОВ,**  
IV босқич талабаси

Ҳафиза ИКРОМОВА,

Тошкент Ислом университети “Информатика ва табиий фанлар”  
кафедраси мудири, техника фанлари доктори, профессор

## ИСЛОМ ИЛМГА ЧАҚИРАДИ

Ислом келтирган қонун-қоидаларнинг барчаси ҳаётни осонлаштириш ва инсонни муҳофаза этишга йўналтирилгандир. Жумладан, ўқиб-ўрганишга, ақл билан иш юритишга ташвиқ ҳам бу қоидалардан биридир. Инсон бу қоидаларни қабул қилгани туфайли ҳам ҳаётига кўп яхшиликларни олиб кирди ва кирмоқда. Илм ва ақл ҳақ эътиқод пойдеворига қурилса, янада гуркираб, беҳато ривожланади.

Ислом илмга чақирганида фақат диний илмни қўзда тутадими?

Йўқ! Бу чақирик умуман билимсизликни йўқотадиган барча (ҳам диний, ҳам дунёвий) илмларгадир. Аллоҳ таолонинг инсонга биринчи буйруғи ҳам илм ўрганишга қаратилган эди.

Исломнинг бирламчи манбаи Қуръони карим илоҳий китобдир. Мужодада сураси, 11-оятда: “Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни баланд даражаларга кўтарур”<sup>1</sup>, дейилса, Анбиё сураси, 7-оятда: “Бас, ўзларингиз билмайдиган бўлсангиз, биладиган аҳли илмлардан сўрангиз!” деб айтилган. Қуръоннинг асосий вазифаси инсонни ҳидоятга йўллашдир. Бунда у хилма-хил усул ва воситалардан фойдаланади. Гоҳ ваъда, гоҳ таҳдид, гоҳ ибратли ҳикоя, гоҳ мисол ва гоҳ ақлга хитоб усуллари ишлатади. Шулар қатори илмий мўъжизалар ҳам ҳидоятга сабаб бўлувчи омиллар сифатида келтирилади.

Дунёвий илмлардан физика, астрономия, кимё, таботат, тарих, география, психология, ҳуқуқшунослик ва бошқа соҳаларга ишорат этадиган оятлар инсон ақлига хитобдир. Шунинг учун ҳам Қуръони карим таълимотларига тўла амал қилганларга пешқадамлик насиб бўлган. Имом ал-

Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Абу Али ибн Сино, Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳридин Бобур, Абу Мансур ал-Мотуридий, Қафқол аш-Шоший, Маҳмуд аз-Замахшарий, Бурҳонуддин ал-Марғиноний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа алломалар Қуръони каримга амал қилганлари учун ҳам буюк шахслар бўлиб етишишган.

Ислом дини тараққиёт йўлидан юришни фарз қилган. Кишиларни илмга ундаган. Чунки инсон шахсиятини илмдан бошқа нарса тўғри йўлга сола олмайди ва тараққиётга ҳам эриштира олмайди. (Зумар, 9; Мужодада, 11). Қуръонга кўра, илмнинг чегараси йўқ: “**Ҳар бир илмнинг устида (ундан) илмлироқ бор**” (Юсуф, 76). Яъни, олимлар ўз илмлари билан чегараланиб қолмасинлар, ўз устларида ишласинлар. “**Эй Парвардигор, менинг илмимни зиёда қилгин, деб айтгинг**” (Тоҳа, 114). Ислом кишиларни илмга чақирдиш билан кифояланиб қолмай, балки ақлий ва фикрий ҳаракатсизликнинг олдини олиш асосларини кишиларга кўрсатган.

Пайгамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларида: “Илм излаш ҳар бир мусулмонга фарздир”; “Олим кишининг жоҳил-нодон кишидан афзаллиги тунни ойдин қилиб турган тўлин ойнинг бошқа юлдузлардан афзаллиги сингаридир”, деганлар.

Исломда илм ўз зарурати ва моҳиятига кўра бир неча қисмга бўлинади.

Биринчи қисми қуйидагича баҳоланади<sup>2</sup>:

**Ислом далил ва ҳужжат дини.** Илм эркакка ҳам, аёлга ҳам баб-баравар керак. Бундай илмдан бебаҳралик кечирилмайди. Бу Аллоҳ таолони, унинг элчиси — пайгамбари Муҳаммадни (с.а.в.) таниш илми, Ислом динини далил ва исботлар билан билиш илмидир. Илм бир нарсани ҳужжатли аниқ далил билан боғламагунча, уни ҳақиқат деб тан олмайди. Қуръон ҳам инсонларга далилсиз нарсани қабул қилмасликни буюради (Бақара, 111; Муъминун, 117; Намл, 64).

**Ислом аниқлик дини.** Илм мавҳум нарсани аниқ деб айтишдан қайтаради. Қуръони карим ҳақиқий илмий нарсаларга суянишга ундайди (Рум, 29; Жосия, 24). Аллоҳ мусулмонларга илмий асосда иш олиб боришни кўрсатиб, шундай дейди: “**Ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма!**” (Исро, 36).

**Илм тақлид душмани.** Илм бир нарсага ишонч





ҳосил қилмай, далилини билмай, тақлид қилишдан қайтаради. Демак, илм кўр-қўрона тақлиддан қайтаришда Қуръони карим билан мувофиқдир. Аллоҳ мусулмонларни барча гапларни эшитиб, тушуниб, сўнгра яхшисига эргашишга буюради (Зумар, 18).

Иккинчи қисмдаги илмга аниқ илмлар киради. Уни ўша соҳа мутахассислари яхши билсалар, бас, бошқаларга у шарт эмас. Лекин билиб қўйса, зарар қилмайди. Бу илмдан беҳабарлар гуноҳкор ҳисобланмайди. Бундай билимларга қозилик ва фатво бўйича мутахассис бўлувчилар учун Исломи дини шариат ҳукми ва аҳқомлари илми, мусулмон киши кундалик тирикчилигини ўтказиш учун керакли бўлган ҳунармандлик ва касб илмлари киради. Агар кундалик ҳаётга зарур касбларнинг усталари бирон ерда етишмаса, мусулмонларнинг раҳнамолари дарҳол лаёқатли кишиларни тўплаб, у бўшлиқни тўлдиришлари керак бўлади.

Қуръони карим оятларида табиий илмларни ўрганишга чақириқлар бор. Масалан, Рум сурасининг 22-ояти мазмуни бундай: **“Осмонларнинг ва Ернинг яратилишида, шунингдек, Сизларнинг тилларингиз, рангларингизнинг турлича бўлишида олимлар учун аломатлар бор”**. Ёйинки, Фотир сурасининг 27—28-оятларида: **“Кўрмайсанми, Аллоҳ осмондан сувни туширибди ва у сув билан ранглари турлича бўлган меваларни ўстирибди...”** Бу оятларнинг мавзуи табиий илмлардир. Чунки табиий илмлар борлиқдаги нарсаларни ва уларнинг хусусиятини ўрганади. Масалан, **“Осмондан сув тушириш сирини”** об-ҳаво илми, шу сув сабабли ўсиб чиққан ўсимликлар ва меваларнинг сирини табиат илми, тоғлар ва улардаги оқ, қора, қизил турларни география фани, инсон жинсларини анатомия, ҳайвонот оламини эса зоология, биология фанлари ўргатади.

Тарихдан маълумки, мусулмонлар ўзлари кириб борган юртлардаги илмий китобларни бошқаларга ўхшаб йўқ қилиб ёки куйдириб юбормаганлар, балки уларни тўплаб, катта-катта илмий марказлар тузишган. Масалан, Хоразмда ташкил этилган Маъмун академияси, Бағдодда ташкил этилган “Донишмандлар уйи” (у ерда ал-Хоразмий 833—850 йиллари мударрислик қилган). Натижада мусулмонлар табобат, кимё, табиий фанлар, математика, фалакиёт ва бошқа илмларнинг ривожига улкан ҳисса қўшганлар. Шу билан бирга, ўзларидан аввал маълум бўлмаган илмларни кашф этганлар (Абу Райҳон Беруний, ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний илмий тадқиқотларини мисол қилиб келтириш мумкин).

Қуръони каримда илмга ақл ёрдамида бажариладиган ишлар деб таъриф берилган. Ақл эса, нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниб олиш



қобилиятидир. Қуръони карим барча ишларда ақлни ишлатишга даъват қилади. Масалан, Раъд сураси 4-оятида: **“Ерда бир-бирига ўхшаш тупроқлар бор, узумзорлар бор, экинзорлар бор, бир-бирларига киришиб кетган ва алоҳида-алоҳида хурмозорлар бор, ҳаммаси бир сув билан суғорилади. Лекин баъзиларини афзал қилиб қўйганмиз. Шу нарсаларда ақлли кишилар (ақл эгалари) учун аломатлар бор”**, дейилади. Бақара сураси 76-оятида эса: **“Биз оятларни ақлли кишилар (ақл эгалари) учун баён қилиб қўйдик. Ақлни ишлатмайдиларми?”** деган хитоб мавжуд. Демак, Аллоҳ инсонни ақлли, баркамол ва коинот сирларини ўрганишга қодир қилиб яратди.

Бугунги кунда ақлни янада чархлаш учун замонавий технологиялар, жумладан, ахборот ва коммуникация технологиялари жуда асқотади. Бунинг учун жамиятни ахборотлаштириш, компютерлаштириш зарур. Инсон ақлий тафаккурининг маҳсули бўлмиш шахсий компютерлар хизматидан ёшларимиз кўпроқ фойдаланишини давр тақозо этиб турибди. Техник тараққиёт, илмий юксалиш, маданий ўсиш чўққисига чиққан, ҳамма нарсани мураккаб электрон ҳисоблаш машиналари бажараётган жамиятнинг серташвиш аъзоси қалбига ҳам бугун Қуръони карим йўл топмоқда.

Қуръони карим ўқиб-ўқиладиган китобгина бўлиб қолмай, аввало амал қилиш китобидир. Уни ҳар гал ўқиганимизда янгидан-янги мазмун-моҳиятини англаб етамиз. Айниқса, йирик олим шайх Абдулазиз Мансур амалга оширган **“Қуръони карим маъноларининг таржимаси”** китобида мавзулар бўйича оятлар кўрсаткичи берилгани илмга чанқоқ ёшларимизни бу йўналишларда илмий изланишларга даъват қилади.

<sup>1</sup> Оятлар мазмуни Абдулазиз Мансурнинг “Қуръони карим маъноларининг таржимаси”дан. Т: ТИУ, 2001.

<sup>2</sup> Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Имон», Т., «Камалак», 1991.



Ҳасан МАНЗУР

# СЎФИ

Ҳикоя

Ёдда қолган узук-юлуқ хотиралар бу...

— Сўфи! — дедим йўлакда менга қаттиқ туртиниб кетган болани, — Сўфи!

У тўхтаб мен томон илкис ўгирилди.

— Калака қилма, атайин қилмадим, — деди.

Ўртоқларим теграмни ўраб олишган эди. Бола бизнинг қаршимизда қатъийят билан турар, кўзлари ғазабнок чақнарди.

— Сўфи, — дедик биз, — Сўфи!

Ҳаромилар!.. — Бола шундай деб сўкинди-да, секин кетаверди. Биз бир-биримизга қараб олдик, сўнг бирдан бутун оламни бошимизга кўтаргудай қилиб: “Сўфи!” деб ҳайқирдик. Кейин кимдир бунга қайсидир бир сўзни улаб айтади, шекилли:

— Кўрасанлар! — деди бола.

Кейин ҳунарини кўрсатди. Синфга бирин-кетин йиғлаб қира бошладик. Биримизнинг қаншаримиз ёрилган, иккинчимизнинг лабимиз... Каттасини мен олдим. Қовоғим шишиб, пешонам гурра бўлиб қайтдим кўчадан. Унда анча ёш эдик. Устозга баравар шикоят қилдик.

Айниқса, лаблари ёрилиб кирган Тўлқинбой устозни мувозанатдан чиқарди. Кийимлари ҳам бир аҳволда. Унга анча қийин бўлгани билиниб турарди. Устоз шитоб билан ташқарига отилди ва кўп ўтмай сўфининг ўғлини ўнгиридан тутиб кирди. Устознинг кўзларидан ғазаб ўти чақнарди.

— Нега болаларни урдинг?

— Калака қилишади, — деб жавоб қилди бола. — Тинмай калака қилишаверади.

— Нима деб калака қилишади?

Бола нигоҳини ерга олди:

— “Сўфи”, дейишади.

— Сўфининг ўғли сўфи бўлади-да! — деб устоз масхараомуз кулди. Аввал қизлар, кейин бизлар ҳам кўшилдик. — Нима, шунга ҳам ота гўри қозихонами?

Устоз бизни кулгидан тийиш учун ўқрайди. Боланинг юзи аламдан бўғриқди.

— Масхара қилишса, уравераман, — деди.

Унинг юзига тортилган тарсакидан ҳаммамиз бирдек ҳушимизга келдик, лекин энди кеч бўлган эди. Устоз унда анча ёш, биз эса бебош эдик. Устоз-

ни тўхтатиб бўлмасди. Бола юзида қолган тарсаки изи билан барчамизга бир-бир назар солди-да, сўнг пайт пойлаб ўзини эшикка урди. Биз унинг кўча бошида қочиб бораётганини ўрнимиздан туриб кузатардик.

— Ўтир, расволар! — деди устоз ижирғаниб. — Қилгиликни қилиб қўйиб...

Мен аямга бор гапни мақтаниб келдим.

Шу тариқа биз Сўфининг ўғлидан, Сўфининг ўғли биздан йироқлаша бошлади. Аям айтганидек, биз даҳрийроқ ўсган эдик. Уйда дамимизни чиқармасак-да, мактабда, тенгтўшлар орасида баъзан Худонинг бор-йўқлигидан баҳс бойлашардик. “Худо йўқ, — деб уқтиришарди бизларга устозлар. — Уни одамлар табиат кучлари олдидаги ожизликларидан ўйлаб топишган. Осмонда бўлса, ойдан ҳам топиб тушишарди-ку!”

Бошқалардан кўра мен даҳрийроқ эдим. Даҳрийлик китобини хўп ўрганган, вилоят олимпиадасининг совриндори бўлган бола эдим...

Кейинроқ, анча улғайиб қолганимизда бир баҳс бўлди. Баҳс нимадан бошланганини ҳали ҳам эслаёлмайман.

— Сиз ҳали ҳам Худога ишонмайсизми? — деб сўраб қолди Шарифжон.

— Ишонмайман, — дедим одатдагича. — Уни қидиришмаган жойи қолмади, ҳатто осмонни ҳам ағдар-тўнтар қилиб юборишди.

— Аттанг қилганингизни ўзингиз билмай қоласиз, Ҳошимжон. Худо бор ва У ҳар банданинг юрагида бўлади.

— Тўғри, — деб тасдиқлади Сўфининг ўғли.

— Докторлар апараста қилиб, намозхон кишининг юрагидан ҳам топишолмабди, бечоранинг увол кетгани қолибди, холос, — дедим ёнимдагиларни кулдиришга интилиб.

Сўфининг ўғли қовоқларини ўйди.

— Ҳали тавбанинг каттасини қилишингизга тўғри келади, — деди.

Кейин биз ўсимликлар олами, ҳайвонот дунёси, одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги эски баҳсимизни давом эттирдик.

— Одамнинг маймундан пайдо бўлгани ҳақиқатга яқинроқ, — дедим мен тарих дарслигида берилган таърифни ўзимга қалқон қилиб, — Ёлгон бўлса, милёнлаб кишиларни шунга ишонтиришармиди, неча-неча китобларга шундай деб битишармиди? Бошқа китоб ҳам муқаддас, дўстим...

Биз улғая бошладик. Қишлоғимизда Сўфининг бор-йўқлиги сезилмай қолди. Сўфи қишлоғимизнинг нариги чеккасида, қирлар орасига бир боғ қилган, қапа тикиб, ўша ерда тирикчилигини ўтказар, баъзан у ҳақдаги ҳангомаларнинг бир учи бизга ҳам етиб келар эди.

Эмишки, бир куни одамлар Сўфининг ҳалоллигини синамоқчи бўлиб, у киши намозга ўтирган вақтда қанордаги ўтинни калхўзнинг бедаси билан алмаштириб қўйишибди. Уйига кетган сўфи кўп ўтмай қайтиб келибди, қанордаги бедани қоровулнинг олдига тўкибдию бир сўз демай боғидан пичан ўрибди. Қишлоққа эшагини миниб эмас, етаклаб, хўрсиниб, оғир хаёлларга толиб қайтибди.

— Сўфимни кўп синашган, — деди кейинроқ унинг этагидан қаттиқ тутган амакиваччам. Ўзи ҳам маҳалласида “сўфи” деб ном чиқарган.

— Биласизми, Ҳошимжон, бундай имонли кишилар кетса, юртдан барака кўтарилади, — деди у киши. — Вақти келади, ҳаммамиз уни соғина бошлаймиз.

— Буларнинг Сўфига етишларига анча бор, — деб қолди суҳбатимизни тинглаб турган кўшним. — Сўфига ўрислар ҳам тан беришган. Биз у билан уч йил бир қисмда хизмат қилганмиз. Уч йил ўриснинг овқатини емаган. Тухум ё картишкани кўрга кўмиб ерди, доғсув ичарди. Охири камандирлар кенгашиб, унга ўрмон қоровулининг ёнига жой қилиб беришди. У ўша замонда ҳам беш вақт намозини қанда қилмаган.

Яна ҳам кейинроқ — талабалик йилларимда Сўфини учратдим, у ҳам бошқаларга ўхшаган, дунёнинг ғам-ташвишларига кўмилиб юрадиган бир одам эканини пайқадим. Мен баландликдан пастликка энардим, у киши пастликдан юқорига елкасида юк билан чиқиб борарди. Саратон. Бундай иссиқда юриб кўникмаганимдан бутун баданимдан тер қўйилар, нафасим бўғзимга тиқилган кўйи шу иссиқда мени бу ерга юборган аямни тинмай койирдим. Пешонамдан ёққан тер кўзларимга қўйилар, икки кўлим банд бўлганидан артиб олишнинг имконини қилолмасдим. Сўфининг елкасидаги юк меникидан оғирроқ эди. Шундай бўлса-да, у менинг қаршимга келиб тўхтаганида кўрдим, ундан на бир қатри тер чиққан, на юзи меники каби буғриққан. Мен ўзимнинг ҳолимдан уялдим.

— Ассалому алайкум, — дедим.

Сўфи алик олди, Қаёққа бораётганимни суриштирди, сўнг тоғамнинг кўчатзорини кўрсатиб:

— Тезроқ борақолинг, — деди. — Абдулҳамиднинг қизиникига тушликка борадиган одати бор.

Дарвоқе, ўша йиллари қишлоғимизда Сўфининг издошлари кўпайиб қолган эди. Ичишни ташлаган, саждага бош қўйган кўшнилари одамлар “сўфи” деб атай бошлашди. Орада баъзилари ичишни буткул ташламаган, сиқилиб кетган кезлари шаҳарга тушиб улфатчилик қилишар, сўнг ҳеч нарса бўлмагандай намозларини ўқиб кетишаверар эди. “Булар советнинг “сўфилари”, дейишарди одамлар.

Қишлоғимизда сўфилар кўпайгани сайин Сўфининг обрўйи яна ҳам юксалаётгандай туюларди менга.

Мен тоғамни Сўфи айтган жойда учратдим. Оқшом чўкунга қадар суҳбатлашиб, сув тарадик. “Сувни ташлаб кетолмайман, жиян”, деди тоғам мени кузатиб қоларкан.

Тепаликка чиққан сарим Сўфининг капасидан Қуръон тиловати яхшироқ эшитиларди. Ерга чўкканча, Қуръоннинг, майин, вужуд-вужудни жимирлатиб юборадиган оҳангларига қулоқ тутдим. Сўфи ниҳоятда чиройли овоз билан ўқир, баъзан мен бирон мусулмон мамлакат радиосидан Қуръонни тинглаганимда шу ҳолга тушардим.

Кейинги сафар уйга келганимда, бетоб ётган устозни кўргани бордим.

— Эскичага қалайсиз? — деб сўраб қолди устоз.

Тилим айланмаслигини айтдим.

— Бир сирни очайми? — деди у киши. — Ўрганиб қўйинг, кам бўлмайсиз. Шунча китоб ўқиган одамга бу ҳеч нарса эмас. Ҳамма нарса Қуръонда, ўғлим.

— Уни тилимизга ўгиришяпти, — дедим мен. — Алоудин Мансур деган бир олим ўгирияпти.

Устознинг кўзларида ҳадик-хавотир кўринди.

— Бузилмасмикан?

— Бугун бу нарса жуда зарур, домла, бу ҳақда ўйлашаётган бўлишса керак.

— Кенгашли тўй тарқамас, деганлар...

— Одамлар секин-секин ўрганишяпти чоғи, мачитдан чиқаётганлар орасида ёшларни кўрдим.

— Ёшлар бор, — деди устоз ҳам. — Мусулмончилик — ас-тачилик. Секин-секин Сўфининг этагидан тутишяпти.

Мен устоздан Сўфи ҳақида суриштирдим.

— Фаройиб одам, — деди у киши. — Дўкондан нарса харид қилмайди. Унни тегирмондан, гуручни сувжувоздан олади. Сариеғ, кўй ёғи ишлатади. Узумдан майиз, ўрикдан туршак тайёрлайди. Доим талқон ейди. Ўғлининг тўйига ейдиган нонини қўлтиғига қистириб борганидан билаверинг...

Тошкентга ҳар сафаргидан эрта қайтдим. Бир куни Сўфининг катта ўғлини “Чорсу” меҳмонхонасининг соясида хомуш ўтирган куйи учратдим.

— Бува қалайлар? — деб сўрадим.

— У кишини ҳажга жўнатдик, — деди юзи ёришиб.

— Зўр-ку, нега хомушсиз бўлмаса?

— Биласиз, таъблари нозик. Ҳажга пиёда бормоқчи эдилар. Рўхсат бўлмади. Савдогарларга қўшиб жўнатворишти. Эл-улуснинг йиғиб бергани Масковнинг оғзини мойлашга кетди. Ёнларига қотган нону талқондан бўлак нарса олмаган эдилар. Шундан кўнглим ҳижил. Хавотирланиб, уйга кетолмай ўтирибман.

Мен у кишини уйга таклиф қилдим. Кўнмади. — Бошқа сафар, — деди.

Сўфи бува ҳаждан қайтганидан кейинги йил мен хотинимни олиб қишлоққа қайтдим. Ундан кейинги йил Сўфи бува бандалик қилди. Роса олтмиш уч ёшда. У кунлар Қурбон ҳайити кунлари эди. Ўзи истамаган ҳолда яна одамларнинг оғзига тушди. “Асли жаннати одам шу эди”, дейишди одамлар.

Дафн маросими куни уйда эдим.

— Бувангиз бандалик қилибди, бормайсизми? — деб қолди хотиним. — Кўча тўла одам, ҳамма кетяпти.

— Биласанми, — дедим мен, — буванинг тобутини ҳалол-пок кишилар кўтариши керак. Менинг кўнглим чопмаяпти...

Бу фикрни мен таъзияга бормганимнинг сабабини суриштирганларга ҳам айтдим. “Яқинларига, ҳаром қўлни тобутимга теккиздирманглар, деб васият қилган экан, дод солиб йиғлаганлар бўлди... Тобут бегона қўлга тегмади”, дейишди улар.

Сўфи секин-секин барчамизнинг хотиримиздан кўтарила бошлади, лекин ҳаммаси унут бўлиб кетмади. Сўфи ҳақидаги сўнги ҳақиқатни мен Соҳибжамолдан эшитдим. Биз у билан ўқувчиларни пахтага олиб борган эдик. Осмон шишадай тиниқ, дала сокин, борлиқ осойишта эди. Соҳибжамол ёнимда ўтирганча пайпоқ тўқирди. У ҳамаша очилиб маф-

тункор юради, яхши кўриб қолишдан чўчийсан. Шахло кўзларига тортилган сурма, тирноқларидоғи ҳина... У ўзининг гўзаллигини биладиган аёллар сирасидан. Бундай аёллар Сўфидан ўзларини олиб қочиб юришар эди.

— Сўфидан қўрқармидингиз? — деб сўрадим.

Соҳибжамол кўққисдан кулиб юборди.

— Шундай деб сўрасалар керак, деган фикр ҳозир хаёлимдан ўтган эди, — деди у. — Қаранг, айтганим бўлди.

— Ахир, сизлар боғқўшни эдинглар.

— Келинчалигимда қўрқардим, рўпара келмасликка ҳаракат қилардим.

— У кишини юз йил яшасалар керак, деб ўйловдим, — дедим суҳбатдошимнинг фикрини билиш мақсадида.

— Аниқ кирардилар. Оталари юзга кирган, оналари ундан ҳам ўтган экан, — деди Соҳибжамол. — Биласизми, домла, Сўфи бува ҳаждан ўзгариб келдилар. Бурунги шижоат қолмабди. Ўзларини атайин овқатдан тийдилар. Секин-секин ошқозон, ичкалар фаолияти бузила бошлади...

Соҳибжамол менга Сўфининг ҳовлисига кираверишдаги йўлақларга экилган жамбилу райхон ва турфа гуллар ҳақида гап очганида, димоғимда ўша гулларнинг бўйини туйдим. Аёлни кўзларига ёш қалқди. Ўзим ҳам тўлқинланиб кетдим.

Суҳбатдошим мижжаларига қалққан ёшни синчалоғи билан сидириб оларкан, кулди:

— Мени худди қизларидай яхши кўрардилар. У кишининг қўллари теккан нарса жозиба бахш этарди. Саришталикни ҳеч ким у киши каби ўрнига қўймасди. Қишга қилган ўтинларидан битта олсангиз, тахи бузиларди.

Мен Сўфининг комил инсон бўлганига ишона бошладим.

— Буванинг дуосини олганлар кам бўлмайди, — дедим унга. Шийпондан келган бола бизни чойга чақириб кетди.

— Сиз бораверинг, домла,

— деди Соҳибжамол. — Мен болаларга қараб тураман. Қорним тўқ.

Суҳбатдошимни шийпонга бошлаб бормганимга қувондим. Биргадир Собир мени улфатчиликка чорлаган экан. Анча вақт ўтирдик. Мастликда кўнглингни бўшатгинг келади. Лекин ҳозир, у ердаги кишиларнинг ўзаро ғийбати менга ёқмади. Бундан Соҳибжамолнинг суҳбатини афзал билдим.

Қайтиб келганимда, Соҳибжамол уват ёқасида ўтирган кўйи пайпоқ тўқирди. Борганимни сезмади. Йўталиб қўйдим. Оёқланг ўтирган экан. Шарпамни сезиши билан шоша-пиша пайпоғини кийишга тутинди. Шошиб қолганидан ҳижолат тортдим. Аксар аёллар кўксини, ҳатто киндигини очиб юрганида, яланг оёқларини яширишга интилган аёл бор экан, буни қутлаш керак, деган фикр кечди хаёлимдан. Буни Соҳибжамолдан яшириб ўтирмадим.

— Жун пайпоқ билан келишнинг ичида оёғимнинг дами қайтиб кетди-да, домла, — деб кулди у.

Аёлнинг овозида ўктамлик, диловарлик, кишини мафтун этгулик яна нимадир бор эди. Ичганлигим, кенг далада ўзимиздан бўлак кимсанинг йўқлиги ва мен бу аёлни худди синглимдай яхши кўриб бораётганим кўнглимда ҳазин ҳислар уйғотди. Унинг бир-бирдан ширин ўғилчалари борлигини билардим. Агар қиз кўрса, қизи ўзидан ҳам кўҳлироқ бўлишини ўйладим.

— Қиз аммага, ўғил тоғага ўхшайди. Соҳибжамол, сиз, яхшиси, биронта қиз қилволинг, — дедим унга.

Суҳбатдошим менинг ичганимни сезди. Зимдан кулимсираб қаради.

Мен унинг ўзини қолдириб, эгатлар оралаб кетдим...

Сўфини охири марта, унинг ўртанча ўғли, ўша ёвқур тенгқуригим ҳаж сафаридан қайтган кунлари эсладик. Ишдан қайтаётган эдим. Шарифжон мени унинг зиёратига бошлади.

Ёдимга неча йиллар бурун қилган баҳсимиз тушди.

— Кейинроқ, одам оёғи узилганида борсак-чи? — дедим нима учунлигини ўзим англамай.

— Тенгқурлардан кўпчилик бормабди, уят бўлади. Ажабмас, гуноҳларимиз тўкилса.

Одам оёғи узилган экан. Бизни ҳожи Абдумўминнинг ўзи қаршилади. Ичкарига кирдик. Ҳожи сафар таассуротларидан, кўп ажойиб замонлар келгани-ю, бу кунларни отаси кўрмай кетганидан сўз очди.


— Астойдил тавба қилиб келдим, — дедим унга бурунги баҳсимизни эслатиб.

— Аллоҳ кечиргувчидир, — деди у ўрнидан туриб қутича титкиларкан. Кейин олдимизга бир донадан қалам кўйди. — Ўқимишли кишиларсиз... аммо куфр сўзларга қўлламанглар.

Шарифжон билан кимсасиз, сокин кўчалар бўйлаб қайта бошладик.

— Келишга ён бермаганингиздан сизни ҳали ҳам Худога ишонмасалар керак деб ўйлаган эдим, ҳайтовур, — деди Шарифжон. — Ҳожига астойдил тавба қилиб келганингизни айтганингизда, ундан ҳам мен кўпроқ қувондим. Ҳожи тўғри айтди: “Аллоҳ кечиргувчидир”, лекин ҳамма ҳам Унинг марҳаматига ноил бўлавермайди.

Мен унга нимадир демоқчи бўлдим. Ўзимни оқламоқчи эдимми? Кейин бир сўз ҳам ҳам сифмаслигини сездим. Индамадим. Билиб-билмай қилган гуноҳларим ёдга тушаверди, бошим эгилди. Бир тенгқур дўстнинг олдида айбинга иқрор бўлиш шунчалар оғир бўлса, охири нима бўлади? У ёқдаги ҳисоб-китоблар ҳазилакам иш бўлмаса керак, ахир? Мен шу ҳақда ўйлардим...



## КЎЗ ҲАҚИДА СЎЗ

Шайх Бозияд Бастомий кексалик чоғида бир оқшом бетоқат бўлди. Бирдан “ух” тортиб, ҳушидан кетди. Ўзига келгач, бу ҳолатнинг боисини сўрадилар. Шайх деди:

— Балоғатга етган даврим эди. Бир гўзалга кўзим тушди. Жамоли гоят сулув эди, унинг юзига иккинчи дафъа назар қилдим. Йиллар ўтиб, шу гуноҳни унутганим бу кеча ёдимга тушди. Қўрқяпман, ичимда ўт ёнаётир. Ё Раббий! Тавба қилдим, афв эт!

قُلْ لِلْمُؤْمِنِينَ يَغُضُّوا مِنْ أَبْصَارِهِمْ وَيَحْفَظُوا أَرْوَاجَهُمْ ذَلِكَ أَرْكَانُ لَهُمْ  
إِنَّ اللَّهَ خَيْرٌ بِمَا يَصْنَعُونَ وَقُلْ لِلْمُؤْمِنَاتِ يَغْضُضْنَ مِنْ أَبْصَارِهِنَّ

*(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), мўминларга айтинг, кўзларини (номахрам аёлларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) сақласинлар! Мана шу улар учун энг тоза (йўлдир). Албатта, Оллоҳ улар қила-ётган хунарлардан Хабардордир. Мўминаларга ҳам айтинг, кўзларини (номахрам эркакларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) сақласинлар!*

(Нур, 30–31)

Шайхнинг ўша маҳалдаги ҳолати “Саботул ожизин” да қуйдагича тасвирланган:

*Эсимга тушди холо ул назора,  
Юрагим бўлди қўрқиб пора-пора.  
...Муборак оғзидин кўп томди қони,  
Ўшал хавф ила охир чиқти жони.  
Мунингдек йиғласа андоқ неку рой,  
Бизингдек рўсиёни ҳолиға вой.*

Кези келди, кўзларимга боқиб, айтар сўзим бор: Оҳ, кўзлар, ўйноқи, беқарор кўзлар, гўзалларга шаҳват назари или боқиб тўймаган кўзлар. На номахрамнинг чеҳрасига нишдек қадалишдан тортиласиз, на тамаъ рақсига ўйнашдан ор қиласиз. Гоҳ бегоналар боғидан олма терасиз, гоҳ ҳаром-ботилга суқ билан термуласиз. Фазаб чоғида хонангиздан чиқиб, юракларни тешгувчи ўқдайсиз. Омад аҳлини кўрсангиз, ҳасад зарраларини таратиб чақнайсиз.

Ёғ босган, қонталаш кўзлар! Кишилар ҳаққига олайган кўзлар! Мангу юмилмасдан бурун ҳаром-ҳаришдан юмилмоқни варзиш этинг. Тупроққа тўлмасдан бурун йиғлаб қолинг, гуноҳларингизга тавба қилинг. Кимийе назар азизларнинг, яхшиларнинг жамолидан, китоб хатларидан, илоҳий маърифат мабдаидан нур касб этинг. Шунда муслим, муҳсин, дийдор кўриш саодатига лойиқ кўзлардан бўлажаксиз, иншааллоҳ.

Фозил ЗОҲИД

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اجْتَنِبُوا كَثِيرًا مِّنَ الظَّنِّ إِنَّ بَعْضَ  
الظَّنِّ إِثْمٌ وَلَا تَجَسَّسُوا وَلَا يَغْتَبَ بَعْضُكُم بَعْضًا  
أَيُّحِبُّ أَحَدُكُمْ أَن يَأْكُلَ لَحْمَ أَخِيهِ مَيْتًا  
فَكَرِهْتُمُوهُ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ تَوَّابٌ رَّحِيمٌ

**12. Эй мўминлар, кўп гумон(лар)дан четланинглар! Чунки айрим гумон(лар) гуноҳдир! (Ўзгаларнинг айблари ортидан) жосуслик қилиб юрманглар ва айримларингиз айримларни гийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми?! Ана ёмон кўрдингизми?! (Бас, гуноҳи бундан-да ортиқ бўлган гийбатни ҳам ёмон кўрингиз)! Оллоҳдан кўрқингиз! Албатта Оллоҳ тавбаларни Қабул қилгувчи, Меҳрибондир.**

(Хужурот, 12).

## ГИЙБАТ

Луғатда “узоқлашмоқ”, “кўздан йўқолмоқ”, “яширин қолмоқ” каби маъноларни билдирувчи “гайб” сўзи ўзагидан олинган. Ҳам яхши, ҳам ёмон сўзлар билан эшлани ифодаласа-да, кўпинча ёмон сўз билан эшлани маъносида ишлатилади (“Лисон-ул Араб”). Қуръони каримда тусланувчи феъл шаклида келган (Хужурот, 12). Ушбу оятда бирор кишидан гумон қилиш ва ўзгалар ортидан жосуслик қилиш (тажассус) билан бирга гийбат ҳам таъқиқланган. Ўлган биродарининг гўштини ейишга ўхшатилиб, гийбатнинг жирканчилигини таъкидлаган. Шунга асосан, гийбат қилиш ҳаром деб ҳукм чиқарилган.

Исломиё манбаларда бир кишининг йўқлигида унинг моддий, баданий, маънавий-ахлоқий айблари ҳақида гапириш гийбат деб кўрсатилган. Гийбат нафақат сўз билан, балки ёзув, имо-ишора ва тақлид каби ҳаракатлар билан ҳам бўлиши мумкин (Ғаззолий, “Иҳё”, III; Нававий “Ал-азкор”). Бу каби сўз ва ҳаракатлар ҳақиқатни ифодаласа ҳам, гийбатдир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир кишини унда бор айблар билан эшлани гийбат, унда йўқ айбларни унга боғлаш эса тухмат (бўҳтон)

эканини айтганлар (Муслим, “Бирр”, 70; Термизий, “Бирр”, 23). Ибн Таймийя гуноҳдорлар, ҳатто кофирлар ҳақида ҳам ёлгон маълумот бериш, ёлгон хабар тарқатиш ҳаромлигини билдирган («Мажмуъатур расоъил», V, 272).

Ислому уламолари одамлар орасида душманликка сабаб бўлишини ҳисобга олиб, гийбатнинг ҳаромлигига иттифоқ этишган. Айни чоқда гийбатнинг катта гуноҳ ёки катта гуноҳ эмаслиги мунозарали (Айний, XVIII, 168-169). Қуртубий гийбатни гуноҳи қабира деган (“Ал-Жомеъ”, XVI, 337). Бироқ бир сўз ёки ҳаракатнинг гийбат бўлиш-бўлмаглиги гапираётган кишининг ниятига боғлиқ. Нававийга кўра бир кишининг ногўғри фикрини, унинг шахсиятини ерга уриш мақсадида танқид қилиш гийбат бўлса, хатони тузатиш мақсадида яхши ният билан сўзлаш гийбат ҳисобланмайди. Имом Ғаззолий фикрича, бир кишининг “Ғалончи қилган шу айб ишлардан мени сақлаган Аллоҳга ҳамд бўлсин”, маъносидаги сўзлари бировни танқид қилиб, ўзини оқлагани учун гийбатнинг энг чиркин туридир (“Иҳё”, III).

Гийбат қилиш каби уни тинглаш ҳам ҳаромдир. Ислому уламолари фикрича, бирор зарар туғилиш эҳтимоли бўлмаса, гийбатга тўсқинлик қилиш, бунинг имкони бўлмаса, Анъом сураси 68-оят ҳукмига кўра, гийбат бўлаётган мажлисни тарк этиш, бу ҳам мумкин бўлмаса, гийбатга қарши норозилик кайфиятида бошқа нарсалар билан машғул бўлиш керак.

Гийбат асос эътибори билан ҳаром бўлса-да, баъзи ҳолатлар бундан мустаснодир. Имом Ғаззолий “Иҳё”да ҳақсизлик қилган киши устидан тегишли идораларга шикоят этиш, ёмонликка тўсқинлик қилиш учун фатво сўраш, инсонларни кўнгилсизлик ва зарарлардан сақлаш, лақаби машхур кишини шу лақаби билан танитиш, зулм, ҳақсизлик, фитна-фасод, ахлоқсизлик кабиларни ҳаёт тарзига айлантириб олганларни айблаш мақсадида уларга қарши гапиришни машруъ деб ёзганлар.

Гийбат қилган кишининг тавба қилиши фарз, дейилган. Бироқ розилик сўраш хусусида турли фикрлар бор. Қуртубий буларни шундай фарқлайди: а) гийбат қилиш мол ва жонга зарар берувчи зулм бўлмагани учун фақат тавба қилиш етарлидир; б) гийбат зулмдан бўлиб, ундан тавба қилиш ва мазлум ҳаққига хайрли дуо қилиш лозим; в) аксар уламолар ҳадисга суяниб (“Мунад”, II; Бухорий, “Мазолим”), узр, розилик сўраш ҳам лозим деганлар (“Ал-Жомеъ”; XVI).

**Маҳмуд МАҲКАМ**  
тайёрлади



## ҲАЗРАТИ МОРИЙА АЛ-ҚИБТИЙ

Морийя ал-Қибтий исми ўз даврида мўминларнинг кўнгилларига фараҳ бахш этган. Аллоҳ таоло ундан рози бўлсин.

Тарихда машҳур бўлишига қарамай, у ҳақда жуда кам ёзилган. Манбаларда унинг шахсиятини ойдинлатувчи маълумотлар деярли учрамайди.

### Элчиликлар

Ҳазрати Муҳаммад Мустафо, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ҳижратларининг олтинчи йилида Ислом дини Арабистон ярим оролининг деярли барча ҳудудига ёйилган эди. Қурайшийлар билан Ҳудайбия битими тузилган йили, Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Эрон ҳукмдори Қисро, Рум ҳукмдори Қайсар, Ҳабашистон подшоҳи Нажоший, қибтийлар улуғи Мукавкис ва яна бир қанча давлат раисларини Исломга даъват этиб, элчилар юбордилар. Қибтийлар шоҳи ҳузурига Хатиб ибн Абу Балтаа, розийаллоҳу анҳу, элчи бўлиб борди.

Мукавкис уни яхши кутиб олди. Мактубини ўқиди. Яхши муомалада бўлиб, иззат-икромлар қилди. Аммо Исломга кириш даъватини қабул қилмади. Хатиб, розийаллоҳу анҳу, кетишидан олдин, ҳукмдор унга қимматбаҳо совғалар бериб, кузатди. Хатиб, розийаллоҳу анҳу, бу қимматбаҳо ҳадяларни Расулulloҳга, соллаллоҳу алайҳи васаллам, етказиш учун йўлга чиқди.

### Насаби

Расулulloҳга, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, юборилган ҳадялар ичида Мукавкиснинг жориаларидан Морийя ва унинг синглиси Сирина,

минг мисқол олтин, йигирма тўп мато, Дулдул лақабли хачир, Офир деган эшак ва Мабур исмли қари қул бор эди.

Морийянинг отаси Шамъун мисрлик қибтийлардан бўлиб, онаси Рум аслзодаларидан эди. Морийя оқ танли ва жингалак сочли бўлиб, тана оқлиги онасидан, сочининг жингалаклиги отасидан ўтганди. Хушқомат ва гўзал юзли эди.

Морийя синглиси Сирина ва Мабур билан бирга Хатиб ибн Абу Балтаа ҳимоясида Аллоҳ унга тайёрлаган яхшиликдан хабарсиз ҳолда Искандарийадан йўлга чиқди...

Келгуси ҳаётини ўйлаб юраги сиқилар, қаерга кетаётганини билмасди. Хатиб уни қийнаётган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилар, унга тасалли берарди. Морийя Ислом дини ҳақида Хатибдан эшитиб, Аллоҳ таолога, Пайғамбаримизга, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, имон келтирди. Синглиси Сирина ҳам у билан бирга ҳидоят йўлини танлади.

Аммо Мабур Мадинага келиб, Расулulloҳни, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, кўрмагунича имон келтирмади.

### Мадинада

Карвон Мадинага кириб келди. Хатиб Мукавкиснинг мактуби ва ҳадяларини Расулulloҳга, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, топширди.

Морийя Расулulloҳдан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, кўп марҳаматлар кўрди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, уни жория этиб, Мадинанинг Олийа деган чекка маҳалласидан жой ажратиб бердилар.

\* \* \*

Ҳижрий 8 йилнинг илк ойларида Морийанинг ҳомиладорлиги маълум бўлди. Расулulloх, соллalloху алайҳи ва саллам, энди уни тез-тез зиёрат қилиб турадиган бўлдилар. Ой-куни тўлиб, Морийа ўғил кўрди. Расулulloх, соллalloху алайҳи ва саллам, жуда хурсанд бўлдилар. Чақалоққа эса Иброҳим деб исм қўйдилар. Суюнчисига бир қулни озод этдилар. Чақалоқ эмизиш учун Мунзир ибн Зайд ибн Нажжорнинг қизи Умму Бурдага топширилди.

Расулulloх, соллalloху алайҳи ва саллам, Иброҳимни жуда-жуда севардилар. Қаерга борсалар уни ҳам кучоқларида кўтариб юрар, ҳатто бошқа завжаларининг хоналарига ҳам олиб борардилар.

Иброҳимни уларга яқин тутиб, эркалатиб меҳр билан:

— Қаранг... Уни худди мендан олинган бир парчага ўхшатмайсизми? — дер эдилар.

Иброҳимнинг туғилиши онаси Морийанинг озод этилишига сабаб бўлди. Расулulloх, соллalloху алайҳи ва саллам: “Уни ўғли озод этди”, деб марҳамат қилдилар.

### Сабли Морийа

Чақалоқнинг туғилиши мўминлар оналарининг айримларида рашк туйғулари кучайишига туртки бўлди.

Охир-оқибат Расулulloх, соллalloху алайҳи ва саллам:

— Морийани нафсимга ҳаром қилдим, — дейишга ҳам мажбур бўлдилар.

Морийа бу сўздан ранжимади, аксинча, сабр қилди. Шунда Аллоҳ таолонинг ушбу ояти но-зил бўлди:

**“Эй пайғамбар, нега сиз жуфтларингиз розилигини истаб, Аллоҳ сиз учун ҳалол қилган нарса-ни (ўзингизга) ҳаром қилиб олурсиз?! Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир”** (Таҳрим, 1, мазмуни).

\* \* \*

Тасалли, умид ва севинч булоғи бўлган чақалоқ Иброҳим Ҳазрати Морийанинг уйида ўн олти ой яшади.

Бир ярим ёшли жажжи Иброҳим ёмон бир дардга чалинди. Онаси Морийа ва холаси Сириин уни меҳр билан парвариш қилдилар. Аммо касаллик уни тарк этмади. Ниҳоят, юзида ўлим кўланкаси кўрина бошлади. Бундан хабар топган Расулulloх, соллalloху алайҳи ва саллам, жуда қайғурдилар. Аввал ҳис қилмагани бир сиқинти юракларини оғритди. Беҳол бўлишларига қарамай, асҳобдан бир кишига суяниб, Морийанинг уйига келдилар.

Иброҳим йиғлаётган Мориянинг кучоғида сўнги нафасларини олаётган эди. Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам, шафқат билан уни кўлларида олдилар. Музтариб қалбларини тинчлантириш

учун уни бағирларига босдилар: “Ё Иброҳим, биз сенинг Аллоҳ таоло ҳузурига кетишингга ҳеч қандай тўсиқ бўлолмаймиз”, дедилар ва кўзларидан ёш оқа бошлади. Жигарпораларига қарадилар. Ун-сиз ва ҳаракатсиз эди. Расулulloх, соллalloху алайҳи ва саллам: “Ё Иброҳим, агар бу ҳақиқий иш, тўғри ваъда бўлмаганида ва биздан кейин келадиганлар олдин келганлардан ўрнак олмаганида, сенга бундан ҳам аламлироқ шаклда қайғура-р эдик”, деб марҳамат қилдилар.

Бу сўзлар бечора Морийага бир оз тасалли бер-гандик бўлди. У кўз ёшларини артди ва шундай деди: “Кўз қайноқ ёш оқизади, қалб қайғуради. Аммо биз Аллоҳ таолони хушнуд этувчи сўздан бошқасини айтмаймиз. Ё Иброҳим, биз сенинг ўлимингга чиндан ҳам жуда-жуда қайғурапмиз...”.

\* \* \*

Бақиъ мазорига бордилар. Расулulloх, соллalloху алайҳи ва саллам, жаноза намозини ўқидилар ва Иброҳим шу ерга дафн этилди. Расулulloх, соллalloху алайҳи ва саллам, бир неча сония қабр теппасида турдилар. Бўғизларидан чиқа-ётган сўзларни зўрға талқин қилдилар: “Раббим Аллоҳ, отам Расулulloх, диним Ислому... дегин”.

### Вафоти

Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам, Ра-фиқи Аъло ҳузурига кетганларидан сўнг, халифа-лар Морийанинг мавқеини сақлаб, Байтулмолдан унга маош тайинладилар. Ҳазрати Абу Бакр ва Ҳаз-рати Умар, розийаллоху анхумо, Пайғамбаримиз-га бўлган садоқатлари туфайли уни эъзоз қили-шар, ҳол-аҳволини сўраб, бориб турар эдилар.

\* \* \*

Ҳазрати Морийа ҳижратнинг 16 йили касал-ликка чалинди. Шифо топмай, охири жон тас-лим қилди. Бундан ҳамма қайғурди. Халифа Ҳаз-рати Умар, розийаллоху анху, инсонларни йиғ-дилар ва жанозасини ўқидилар. Морийа, рози-йаллоху анҳо, ҳам Бақиъ мазорига дафн этилди.

Аллоҳ таоло унга чексиз раҳмат эҳсон қил-син, ундан рози бўлсин. Омин.

### Тузатиш

Журналимизнинг шу йилги 1-сонида босил-ган “Дунёда қанча мусулмон бор?” мақоласида-ги жадвалда (6—7-бетлар) техник сабаб билан ай-рим мамлакатларнинг номи тартибда алмашиб кетган. Шу боис сизлардан узр сўраб, қуйидагича тузатиб ўқишингизни илтимос қиламиз:

мамлакат	жами аҳоли	мусулмонлар
41. Кипр	900.000	420.000
42. Кения	29.800.000	5.700.000
91. Тожикистон	6.200.000	5.300.000
92. Того	5.200.000	780.000